БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши
№ 52 (11.498).

2 март, чоршанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

СОВЕТ КИШИЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ВА РАВНАҚ ТОПИШНИ ИСТАЁТГАНЛАРНИ ДОИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИЛАР

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Жакартадаги матбуот конференцияси

ЖАКАРТА, 29 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун бу ерда матбуот конференцияси бўлди. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико матбуот конференциясини очиб бундай деди. Матбуот конференциясини бошлашга ижозат бергайсиз. Авво, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев номидан қисқача баёнот ўқиб берилади. Шундан кейин Никита Сергеевич Хрушчев ўз номига олинган саволларга жавоб беради.

Н. С. ХРУШЧЕВ баёноти

Азиз дўстлар!

Жаноблар!

Биз, Индонезия Республикаси президенти ва бош министри Сукарнонинг лутфан қилган таклифи туфайли мамлакатингизнинг баъзи районларини бориб кўриш, кўп кишилар билан учрашиш каби қувончли имкониятга эга бўлдик.

Биз ўз визитимиз вақтида кўпгина халқаро проблемалар юзасидан ва мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан қадрдон дўстимиз президент Сукарно билан ва Индонезия Республикасининг бошқа давлат арбоблари билан муҳим, ошкора ва жуда фойдали суҳбатлар ўтказдик.

Биз музокараларнинг натижаларидан, визитимизнинг якунларидан мамнун бўлдикми? деган савол сизларни, албатта, қизиқтиради. Ҳа, жуда мамнун бўлдик. Сизларга маълумки, кеча Совет-Индонезия қўшма баёноти, Совет Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги бош битим ва маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳамжиҳатлик руҳи билан суғорилган. Улар тинч-тотув яшаш, тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш принциплари асосида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг кенг истиқболларини очиб беради. Биз бу ҳужжатларни барча халқларнинг «совуқ уруш»ни тугатиш ва халқаро кескинликни юмшатиш йўлида биргаликда олиб бораётган курашига қўшилган муҳим ҳисса, деб ҳисоблаймиз.

Совет ҳукумати президент Сукарнони ўзи учун қулай бўлган пайтда Совет Иттифоқига яна келишни таклиф этганлигини матбуот вакилларига билдириш мен учун кўнгилли дир. Бизнинг таклифимиз қабул қилинди ва бундан гоят миннатдор эканлигимизни изҳор қиламиз.

Биз сизнинг мамлакатингизда бўлган вақтимизда турли шаҳарларни бориб кўриш, учрашувларда ва халқ сайилларида қатнашиш тўғрисида кўпгина ёзма ва оғзаки таклифлар олдик. Шу фурсатдан фойдаланиб, бизга таклифнома юборганларнинг ҳаммасига самимий миннатдорчилик изҳор қилишни истайман. Дўстона таклифларнинг ҳаммасидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслигимиздан чуқур афсусланамиз, чунки бу таклифларнинг ҳаммасини бажаришнинг имконияти йўқ.

Шуни очиқ айтаманки, Индонезиянинг тоғлари, водийлари ва денгизларидан ҳам гўзалроқ нарсаларни онда-сондагина кўришга тўғри келади. Мамлакатингизнинг табиати эртакларда ҳикоя қилинганидек сахий ва бой.

Гўзал ўлкангиз менга ёқди ва меҳнатсевар, меҳмондўст ва самимий кишиларингиз айниқса ёқиб қолди.

Ерингиз бой, лекин хусусан ажнабийлар табиатга эгалик қилиб турганида, табиатнинг ўзи кишиларни боқмайди. Сизларнинг кўркам хурмо дарахтларингиз остида оддий кишилар ярим оч ҳаёт кечирган эдилар, чунки улар эмас, балки мустамлакачилар бу мамлакатнинг, ундаги бойликларнинг узоқ вақт хўжайинлари бўлиб келдилар. Мустамлакачиларнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги жуда оғир оқибатни — иқтисодий қолоқликни мерос қилиб қолдирдики, бунга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқ керак. Бу кураш енгил эмас.

Сизнинг мамлакатингиз мустамлакачилар асорати кишанларидан қутулди. Улуғ мамлакат ва унинг 90 миллионли халқи ажнабийлар жабр-зулми остида бўлганлиги каби сабр-тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатга хотима берилди. Совет кишилари мустақиллик, тинчлик ва равнақ топишни истаётганларни доим қўллаб-қувватлайдилар, сизларни индонезиялик дўстлар ,қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳар бир эркин халқ бошқа ҳамма халқларнинг ҳам эркин бўлишини истамай қололмайди. Барча халқларнинг мустақиллик ва мустақил тараққиёт ҳуқуқини эътироф этиш Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсати асосларининг асосидир.

Шарқдаги кўп мамлакатлар инсоният маданиятини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшдилар. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бирманинг қадимий ва бой маданияти бор. Аммо, Осиё мамлакатларининг тараққиётига кейинчалик жиддий зарар етказилди. Европалик мустамлакачилар ўз «цивилизацияси»ни ўт ва қилич ёрдами билан Осиёга олиб келдилар ва ўзлари асорат остига олган мамлакатларнинг тараққиётига юз йиллар мобайнида халақит бердилар.

Осиёдаги кўп мамлакатлар узоқ давр мобайнида иқтисодий жиҳатдан ривожланган бир тўда мустамлакачи давлатларнинг хомашё қўшимчига бўлиб келган эдилар. Бу мустамлакачи давлатлар Осиё мамлакатларида ҳадсиз-ҳисобсиз бойликларни ташиб олиб кетдилар. Инсоният тарихида энг мудҳиш ва энг шармандали ҳодиса бўлган мустамлакачилик сиёсати ёрдами билан Индонезия каби энг бой мамлакатнинг ҳам тараққиётига кўп йиллар мобайнида тўсқинлик қилинди. Мустамлакачилар бунда саноатни ривожлантирмаслик учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар, фан ва маданият эшиклари халқ учун ёпиб қўйилган эди.

Аммо мустамлакачиликнинг тугаш пайти келмоқда. Ҳозирги вақтда ер юзи аҳолисининг кўп қисми яшаётган Шарқ мамлакатлари инсониятнинг ҳамма ишларида ,жаҳон проблемаларини ҳал этишда, дунёнинг тақдирини белгилашда катта ўрин тутмоқдалар. Шарқ халқларининг роли бундан буён тўхтовсиз кучая боради. Улар тўла сиёсий ва иқтисодий мустақилликка нечоғлик тез эришсалар ва ўз мамлакатларининг хўжалиги ҳамда маданиятини жадал юксалтириш учун нечоғлик тез асос қурсалар, ана шу ролни шукадар самарали бажара оладилар.

Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатларига нисбатан амалга ошираётган ташқи сиёсати равшан ва аёндир. Биз гоят кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш йўлидан бормоқдамиз, бу мамлакатларга бегараз иқтисодий ёрдам кўрсатмоқдамиз. Совет Иттифоқининг Осиё мамлакатлари билан ўрнатаётган иқтисодий, маданий ҳамкорлиги ва бошқа хилдаги ҳамкорлиги давлатлар ўртасида нормал муносабатлар вужудга келтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу эса, Совет Иттифоқининг халқаро муносабатларда кузатган асосий мақсадидир. Совет Иттифоқининг бошқа хилдаги мақсадлари бўлмаган эди ва йўқ.

Турлича ёрдам бериш мумкин, албатта. Бирор кимсанинг аҳволи танг бўлиб қолганида, унга «ёрдам» бериш, уни «қўлтиқлаш»га тайёр турган кишилар бўлади. Лекин кейинчалик бунинг эвазига шундай процент талаб қиладиларки, «бахтга муяссар бўлган» киши қўлини тишлаб қолади, ва, ҳатто, ўзини осишга ҳам рози бўлади. Оқибат натижада бундай «ёрдам»ни олган киши яна ҳам қашшоқлашиб қолади, ёрдам қилган киши эса, ёрдам олганнинг ҳисобига янада кўпроқ бойиб қолади. Талаб олинган пулларнинг бир қисми яна «ёрдам»га сарф қилинади ва бойлик шу тариқа кўпая беради. Ўзимга керак бўлмаган сарқитни ол деган принципда ҳам ёрдам бериш мумкин. Халқаро муносабатлар практикасида бундай «ёрдам» кўп учраб туради.

Чинакам ёрдам ҳам бор. Бундай ҳолларда бир мамлакат бошқаларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, чинакам озод ва мустақил бўлиб олишга бегараз ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда ҳолисона фикр юритувчи ҳар бир киши Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш программаси тобора кўпроқ тақдирланаётганлигини кўриб турибди. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги имкониятлари ўсиб бормоқда. Баъзи мисоллар келтириб ўтамиз. Индонезия Республикасида темир руда ва рангли металл конлари кўп бўлишига қарамай, бу республиканинг кейинги вақтларгача ўз металлургияси йўқ эди. Совет Иттифоқи йирик саноат корхоналарини, шу жумладан, қора ва рангли металлургия заводларини, кимё ва тўқимачилик саноати корхоналарини қуришда, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда Индонезияга ёрдам кўрсатади. Ҳиндистонда Бхилаида Совет Иттифоқининг ёрдами билан йирик металлургия заводи қурилди, машинасозлик корхоналари ва бошқа корхоналар қурилмоқда. Совет геологлари ва нефтчилари нефть конларини қидириб топишда ва нефть чиқариш саноатининг пойдеворини қуришда Ҳиндистонлик дўстларига ёрдам бердилар. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга ҳам шундай дўстона ёрдам кўрсатаётганлиги сизларга маълум бўлса керак.

Биз иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга мустамлакачиликнинг оғир меросини тугатишда, хўжаликни ва маданиятни тез юксалтириш учун замин вужудга келтиришда ёрдам беришни астойдил истаймиз. Совет Иттифоқининг енгил шартлар билан бераётган кредитлари халқ хўжалигининг жуда катта аҳамиятга эга бўлган асосий йирик объектларини маблағ билан таъминлаш учун мўлжалланади. Совет Иттифоқининг ёрдам тариқасида бераётган барча маблағлари ва моддий бойликлари тамомила ва бутунича совет кишиларининг меҳнати билан вужудга келтирилган.

Аммо, инсоният энг муҳим проблемани — узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчликни таъминлаш, қурол-яроғсиз, кескин вазиятсиз, совуқ ва иссиқ урушларсиз яшашни таъминлаш проблемасини ҳал этишга муваффақ бўлолмас экан, у ҳолда, ҳар қандай ёрдам, ҳар қандай ҳамкорлик фойдасиз бўлиб қолади. Ёпиқасига ва батамом қуролсизланиш программасини амалга ошириш — бу масалани ҳал этишнинг асосий йўлидир.

1959 йилда халқаро вазият юмшади. 1959 йил яхши ният билан иш кўрилганида, яхши натижаларга эришиш мумкин эканлигини кўрсатди.

1960 йил яхши нишоналар билан бошланди. Буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви мўлжалланди. Тажриба шуни исбот этадики, раҳбар давлат арбоблари ўртасидаги шахсий алоқа ва муносабатлар кўп нарсани ҳал этади. Совет Иттифоқи узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчликни сақлашга эришиш, янги урушнинг келиб чиқиши хавфини йўқотишдан иборат равшан мақсад билан ана шундай учрашувлар ва алоқаларда бажону дил қатнашади.

Жаноблар!

Дўстлар!

Матбуот вакиллари билан биринчи марта учрашаётганим йўқ. Бугун мен ёш Индонезия Республикаси ёш миллий матбуотининг вакиллари бўлган журналистлар билан суҳбат қилиш имкониятига эга бўлганлигимдан хурсандман. Сизнинг халқингиз олдида катта ва фахрли вазифалар турибди. Матбуот ҳамма ишларни тўғри билиб олишда ва мамлакатингиз олдида турган проблемаларни ҳал этиш учун актив қатнашишда ўз халқига ёрдам бера олади.

Мен сизларнинг ўз халқингизга, ўз мамлакатимизга, тинчлик ишига садоқат билан хизмат қилишингизни истайман. Индонезия матбуоти бундан буён ҳам Индонезиянинг Совет Иттифоқи билан, барча тинчликсевар мамлакатлар билан дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам қилади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Бу дўстликни авайлаб сақлайлик ва ривожлантирайлик. Халқларимиз шу нарсани истайдилар, тинчлик манфаатлари ҳам буни талаб қилмоқда.

Энди саволларингизга жавоб беришга тайёрман.

Антара агентлиги мухбирининг саволи. Баъзи давлатларнинг матбуоти Совет Иттифоқи Индонезиянинг Амбон оролида ҳарбий база қуриш ниятида, деган масалани кўтармоқда. Бош министр Хрушчев шу тўғрида қандай гапларни айтиши мумкин.

Н. С. Хрушчев: Бунга қандай жавоб бериш мумкин? Аҳмоқ бир киши шунча кўп саволлар бериши мумкинки, ўнларча доно кишилар бунга жавоб қайтаролмасликлари мумкин, дейдилар. **(Завқли жонланиш).**

(Давоми иккинчи бетда).

ЖАКАРТА.

Индонезия Республикаси Президенти СУКАРНО жанобларига

Самолётимиз эндигина чегарадан ўтиб, Индонезия доирасидан чиқди. Сиз билан, ажойиб ва меҳнатсевар индонез халқи билан яна бир марта хайрлашмоқчиман, дўстона Индонезияда ҳамма жойда бизларнинг гоят самимий ва қизғин кутиб олинганлигимиз учун ташаккур изҳор қилмоқчиман. Қадрли Бунг Карно, Сизга катта ва самарали фаолиятингизда муваффақиятлар, мустақил Индонезия халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман. Яна учрашгунча хайр.

Н. ХРУШЧЕВ.

«ИЛ-18» самолётининг борти.

Бирма Иттифоқи Президенти У ВИН МАУНГГА Бош министр генерал НЕ ВИНГА

РАНГУН.

Индонезиядан қайтишда дўстона Бирма территорияси устидан ўтиб бораётган эканмиз, шу фурсатдан фойдаланиб, Сизнинг мамлакатингизда бўлган вақтимда менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сизга яна бир марта самимий ташаккур изҳор қиламан. Бизнинг учрашувларимиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада мустаҳкамлаш ишига, умумий тинчлик ишига хизмат қилади, деб ишонч билдираман. Москвада Сизлар билан яна учрашгунча хайр.

Чуқур ҳурмат ва салом билан

Н. ХРУШЧЕВ.

«ИЛ-18» самолётининг борти.
1960 йил, 1 март.

„ШОШИЛИНЧ“ ПОЧТАДАН

Кеча «Қизил Узбекистон» газетасининг ишчи-деҳқон мухбирларидан бир неча шошилинч хабар келди. Қуйида ана шу хабарлардан айримлари эълон қилинди.

ҚИЗЛАР БАЙРАМИ

Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллиги муносабати билан Тошкентда олтинчи мартда қизлар байрами ўтказилади. Байрам арафасида ва байрам кунлари турли хил сайиллар, адабий кечалар бўлади. Ишлаб чиқаришда ўрнан кўрсатган қизларга совға-саломлар топширилади.

Байрам арафасида «Барчаси хотин-қизларимиз учун» ярмаркаси уюштирилиб, унда турли хил буюмлар сотилади.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

КУТУБХОНА СОВЕТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг таклифи билан академиянинг асосий кутубхонасида кутубхона совети тузилиб, унинг составига атоқли олимлар кирди. Советнинг раиси қилиб академик Қори Ниёзий сайланди.

Қ. АҲМЕРОВ.

ТЕХНИКАНИ ЭГАЛЛАШ ЁШ ПАХТАКОРЛАР БУРЧИДИР

Донгдор механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова(ўртада) ёш пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари билан суҳбатлашаётир. И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистоннинг ёш пахтакорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва комсомол ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни Тошкентда, Навоий номидаги опера ва балет театрида икки кун муҳокама қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистоннинг донгдор механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Турсуной Охунованинг** сўзини самимий кутиб олдилар. Т. Охунованинг иши кўп минглаб пахтакор ёшлар учун намуна бўлмоқда.

Турсуной агар техникадан моҳирлик билан фойдаланилса, унинг қандай ажойиб натижалар бериши мумкинлигини ёркин мисоллар билан кўрсатиб берди.

Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. А. Ализодага** сўз берилади. У пахтакор ёшларнинг амалий, ижодий учрашувлари гоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ВЛКСМ Марказий Комитетига ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига бундай учрашувларни йил сайин ўтказиб туришни тавсия қилади. Нотиқ Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қардош пахтакор республикалардаги йигит ва қизларнинг Бутуниттифоқ мусобақасини ташкил қилиш ҳақидаги таклифини қувватлайди.

Ўртоқ Ализода кенгаш қатнашчиларини Озарбайжон пахтакор хўжаликларидаги ёшлар ва комсомол ташкилотларининг фаолияти билан таништиради. Республика ўтган йил давлатга пахта сотиш планини бажармади. Партия ташкилоти ўтган йил йўл қўйилган хатоларни тузатиб, Озарбайжон ёшларини техникадан кенг фойдаланишга сафарбар қилди. Комсомол-ёшлардан уч юз комплекс механизациялаш бригадаси ташкил этилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича қишлоқ хўжалик бўлими мудири **Г. А. Денисов** нутқ қилди. У пахтакор ёшлар олдига КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажариш билан боғлиқ бир қанча вазифаларни қўйди. Дала ишларини комплекс механизациялаш базасида деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш — пахтакор колхоз ва совхозлардаги қишлоқ ёшларининг ва комсомол ташкилотларининг биринчи навбатдаги бурчидир.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари — барча қишлоқ меҳнаткашлари учун жанговар иш программасидир, дейди Қирғизистон ССР Араван районидаги Сталин номли колхоз комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари **Рахмонали Ҳамроқулов.** Мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари Ўзбекистоннинг илғор механизаторларидан намуна олиб, барча процессларни механизациялаш даражасини оширишга қарор қилдилар. Бу тадбир бизларга ҳар гектардан 45 центнер пахта олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон ССР, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг механик-ҳайдовчиси **Ж. Кучиев** мамлакат механизаторларининг мусобақасини бошлаш тўғрисидаги таклифни қувватлаб, мавсум давомида уч юз тонна пахта териш мажбуриятини олганлигини айтади.

Туркманистон ССР Тахта район комсомол комитетининг биринчи секретари **Н. Велмуродов,** Тожикистон ССР, Ленинобод районидаги Ленин номли колхоз раиси **Чўянбой Зунунов,** Қозоғистон ССР Ильич районидаги Ворошилов номли колхознинг комплекс механизациялаш бригадаси раҳбари **Бозорқул Қўшпонқулова,** Қирғизистон ССР Сузак районидаги «Қизил меҳнат» колхозининг звено бошлиғи **Зулфия Тожибоева,** Туркманистон ССР Куйбишев районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи **М. Керимова,** Қорақалпоғистон АССР, Амударё районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Р. Хўжаниёзова,** Тожикистон ССРдаги Куйбишев номли совхознинг механик-шофери **С. Файзов,** Туркманистон ССР Тахтабозор районидаги Киров номли колхознинг аъзоси **Я. Ягмуров** Озарбайжон ССР, Астрахан-Бозор районидаги Азизбеков номли колхознинг бригада бошлиғи **К. Абишев,** Озарбайжон ССР, Касум Исмоилов районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи **Э. Аскеровалар** ёшларнинг етти йиллик иккинчи йилида илғор агротехника усулларига ёппасига ўтиш ҳамда пахтачиликдаги барча ишлаб чиқариш процессларини тезроқ механизациялаш ишида олға томон катта қадам қўйишга қатъий бел боғлаганликлари тўғрисида гапирдилар.

Жанубий Қозоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари **У. Жанибеков** «Пахтаорол» совхозидан Қодирбек Маханов ва Пахтаорол районидаги Ворошилов номли колхоздан Абдрахмон Жаненов бригадаларининг ташаббуси ҳақида гапирди. Бу коллективлар «мўл гектар учун» курашнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Бу ҳаракатнинг маъноси, ҳамма бригадалар ва звеноларни илғорлар даражасига етказиш ва шу йўл билан маҳсулотнинг таннархини кескин суратда камайтирган ҳолда пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришдан иборатдир.

Пахтачиликни аъло техника билан қуроллантирмоқ учун ёлғиз конструкторларнинггина ҳаракати кифоя қилмайди. Лойиҳачи инженерлар тажрибакорлар билан биргаликда иш олиб боришлари лозим. «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинасини яратувчиларнинг бири **А. Н. Приходькониг** нутқида ана шу фикр айтилади.

Совет пахтачилигининг ветерани, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳамроқул Турсунқулов** ёшларга қарата таъсирли нутқ сўзлайди. Кенгашнинг аҳамияти, дейди у, ҳозирги кунниг муҳим амалий масалаларини муҳокама қилаётганлиги билангина тугалланмайди. Турли миллат ёшларининг вакиллари бир мақсадга интилмоқдалар. Ана шунинг ўзи мамлакатдаги ҳамма халқларни бир оилага жипслаштирган партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантана қилганлигидан далолат беради.

Мамлакатнинг турли районларидан келган делегатлар, жумладан, Турсуной Охунованинг изидан борувчилар — Ўзбекистон ССР, Термиз шаҳридаги 21-механизация мактабининг ўқувчиси **Р. Бережная,** Боку шаҳридаги 5-профессионал-техника ўқув юртининг ўқувчиси **С. Қозиева,** Тожикистон ССР «Метинтўқай» совхозининг механик-ҳайдовчиси **Ш. Тўробов,** Андижон область, Ленин районидаги Карл Маркс номли колхозидан коммунистик меҳнат бригадаси раҳбари **М. Жалолов,** Тожикистон ССР, Исфара районидаги Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи **З. Абдусатторов,** Сурхондарё область, Денов районидаги Калинин номли колхозининг бригада бошлиғи **Н. Жўраев,** Туркманистон ССР, Чоржўй районидаги Киров номли колхозининг механик-ҳайдовчиси **Ф. Рўзиев** ўз сўзларида машиналарни эгаллаш, илғор тажрибани ўрганиш, ҳаёт билан ҳамиша ҳамнафас бўлиш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Мен кенгашга ўз хотиним Норбиби билан бирга келдим, дейди Ўзбекистон ССР, Чуст районидаги Навоий номли колхозидаги трактор-даласчилик бригадасининг раҳбари **Р. Абилов.** Норбиби ҳам Охуновадан намуна олиб, пахта териш машинасини ҳайдашни ўрганишга қарор қилди ва мен бу ишда унга ёрдам бердим.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси Ўзбекистон ССР, Поп районидаги Ленин номли колхознинг трактор-даласчилик бригадаси раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Мелиқўзи Умурзоқов** совет пахтакорларига тинмай қилинаётган ғамхўрлик учун Коммунистик партияга чин қалбдан ташаккур изҳор қилади. Унинг бригадаси аъзолари 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Мелиқўзи Умурзоқов машинада уч юз тонна пахта теришга ваъда берди.

Қирғизистон ёшлари етти йилликнинг иккинчи йилида пахтачиликни ривожлантиришда, дала ишларини механизациялашда янги муҳим муваффақиятларга эришиш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Ўш область комсомол комитетининг биринчи секретари **К. Қулматов** ана шу ҳақда гапирди. Областнинг ёш пахтакорлари қўшни Андижон областидаги ўз ўртоқлари билан бир неча йилдан бери маҳкам алоқа боғлаб келмоқдалар. Тажриба алмашиш, амалий ўзаро ёрдам яхши натижалар бермоқда. Ёш пахтакорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасини ривожлантириш тўғрисида кенгашда киритилган таклиф тамомила тўғри таклиф. Ўш области, Қорасув районидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи **Абсамат Абдураимов** ҳам Қирғизистон ёшларининг шонли ишлари ҳақида гапирди.

Ёш пахтакорлар янги ва илғор ташаббусларни ёйишлари лозим, деб таъкидлайди Тожикистон ССР, Конибодом районидаги Ленин номли колхоздан бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Нарзи Усмонова.** Бригадамиз колхозчилари ана шундай қилдилар ҳам. Улар кам меҳнат сарфлаган ҳолда гектарига 47 центнердан ҳосил етиштирибгина қолмай, ўзларининг умумий ва агрономия билимларини оширмоқдалар.

Қозоғистон ССР Ильич райони комсомол комитетининг секретари **О. Қулбоев,** Андижон область комсомол комитетининг секретари **Ҳ. Азимов,** Тожикистон ССР, Ленинобод область комсомол комитетининг секретари **Л. Қаюмов,** Жанубий Қозоғистон областидаги «Великоалексеевский» совхози комсомол комитетининг секретари **Т. Тезенбоев,** Тошкент область, Гулистон район комсомол комитетининг секретари **Р. Олломуродова,** Самарқанд область, Жиззах район комсомол комитетининг секретари **Ю. Юсупов** союз ички ишларини яхшилаш, ёшларни хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилиш тўғрисида гапирдилар.

Арманистон билан мамлакатнинг асосий пахтакор районлари ўртасида масофа жуда катта. Лекин мақсад бирлиги, халқлар дўстлиги Закавказье ва Ўрта Осиёнинг ёш пахтакорларини яқинлаштиради, деб таъкидлайди Арманистон ССР Ведин район комсомол комитетининг секретари **Г. Миносян.**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари **Н. И. Ферштат** пахтачиликни комплекс механизациялашга доир бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди.

Ўзбекистоннинг ёш машинасозлари терим ишларини механизациялашда пахтакорларга актив ёрдам беришга тайёрдирлар, дейди «Ташсельмаш» заводининг комсомол комитети секретари **М. И. Черноглазов,**

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **В. М. Мироненко** кенгашда муҳим масалалар кўтарилганлигини таъкидлади. У ўз нутқида мамлакатнинг пахтакор районларидаги комсомол ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигини, бу ташкилотлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари туфайли ёшлар ўртасида ўсиб бораётган меҳнат ғайратига бошчилик қилишлари, ёшларнинг куч-ғайратини совет пахтачилигини юксалтиришда янги муваффақиятларга эришишга қаратишлари лозимлигини уқтириб кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрик хати қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЖАКАРТАДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши биринчи бетда).

Менинг гапимни тўғри тушунишингизни сўрайман: бу гап ана шу саволни берган мухбирга тааллуқли эмас. Бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммасини доно кишилар дебгина эмас, балки генийлар ҳам деб ҳисоблайман. **(Ҳозир бўлган кишилар орасида завқли жонланиш, «Яхши» деган овоз эшитилади).**

Аммо, масаланинг моҳияти тўғрисида гапиришни истайман, яна Хрушчев конкрет жавоб беришдан қочди, деб айтмасинлар. Совет Иттифоқининг сиёсатини кузатиб турган ҳар бир киши шу нарсани яхши биладики, Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларда бўлган ўз ҳарбий базаларини тугатиб, ўз қуролли кучларини қисқартирмоқда ва ҳар бир мамлакатнинг қўшинлари ўз чегаралари доирасидагина бўлиши учун ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларнинг ҳаммасини тугатиш тарафдоридир.

Бунинг устига биз чет эл ҳарбий базаларини тугатишнигина эмас, балки армияларни бутунлай тарқатиб юборишни ҳам ёқлаб чиқмоқдамиз.

Шу сабабли Амбонда совет базаси тўғрисидаги бемаъни уйдирма соғлом фикрга ва Совет ҳукумати ўтказиб келаётган оқилона сиёсатга асло тўғри келмайди.

Антара агентлиги мухбирининг саволи: Биз юқсак доирада ўтказиладиган конференцияда ҳамма томонлар конференция олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун куч-ғайратларини сарф қилишларига ишонамиз. Аммо, бош министр Хрушчев, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга халқият бераётган муҳим халқаро масалалар ана шу музокараларда Хитой Халқ Республикасининг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин деб ҳисоблайдими?

Н. С. Хрушчев: Мен Индонезия парламентида сўзлаган нутқимда ҳукуматлар бошлиқлари кенгашида Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия, Японияни ва бошқа буюк давлатларни қатнаштириш масаласи ҳақида батафсил гапирган эдим. Ана шу давлатларнигина эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган ва халқаро масалаларни ҳал этишда қатнашаётган бошқа давлатлар тўғрисида ҳам гапириб ўтган эдим. Аммо, ҳозирги вақтда дунёда мамлакатлар ўртасида шундай муносабатлар вужудга келдики, баъзи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишида қатнашмаётирлар.

Халқ Хитойи ҳукуматлар бошлиқларининг шу йил май ойида ўтказиладиган учрашувида дарҳақиқат ҳозирча қатнашмайди. Аммо, шундай бўлса ҳам мен юқсак доирада ўтказиладиган кенгашда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кечиктирилмай кўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблайман. Ҳозирги вақтда ҳал этилиши мумкин бўлган кўп масалалар, чунончи Германия масаласи ва бошқа бир қанча масалалар кенгашда қатнашувчи давлатларга кўп жиҳатдан тааллуқлидир. Бундан ташқари, низоли проблемаларнинг ҳаммасини бир учрашувда қараб чиқиш мумкин эмаслиги турган гап. Шу сабабли, 16 майдаги учрашувда қатнашувчи барча давлатларнинг вакиллари зўр ғайрат билан иш кўрсалар, бу учрашув яхши ишни бошлаб беради, деб ўйлайман.

Менинг фикримча, бу учрашув ана шундай кенгашларнинг составини кенгайтириш зарур эканлигини ҳозирги вақтда тушунмаётган кишиларни шунга ишонтириб қўяди ва шундай қилиб халқ Хитойи Бирлашган Миллатлар Ташкилотидагина эмас, балки ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашида ҳам Ҳиндистон, Индонезия ва Япония билан бир қаторда ўз ўрнини эгаллайди. Мен бу мамлакатларни Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари билан бир қаторда ҳақиқатан ҳам буюк давлатлар деб ҳисоблайман.

Антара агентлиги мухбирининг саволи: Биз Совет Иттифоқи иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган янги мамлакатларда саноат базасини вужудга келтириш мақсадида қандай миқдорда ёрдам беришга тайёр эканлиги ва шундай ёрдам кўрсатиш нияти да эканлигини тушунтириб беришингизни истар эдик. Бизнинг кимга шундай ёрдам кўрсатилганлиги ва шу мақсадда қанча маблағ ажратилганлиги тўғрисидаги конкрет рақамларни билишимиз мумкинми? Бундай ёрдам қандай шартлар билан берилади?

Н. С. Хрушчев: Мен Совет мамлакати иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга қандай ёрдам кўрсатганлигини ва қандай ёрдам кўрсатаётганлигини сизларга айтиб беришим мумкин эди. Афсуски, ҳозир қўлимда зарур материаллар йўқ. Аммо, барча маълумотлар билан танишиб чиқиш учун тоқатингиз етмас эди, деб ўйлайман, чунки Совет Иттифоқининг бераётган ёрдами тўғрисидаги рақамларни анчайин санаб кўрсатиш ҳам жуда кўп вақтни олган бўлур эди. Совет Иттифоқи кўп мамлакатларга ёрдам кўрсатмоқда ва бу ёрдам борган сари кўпайиб боради.

Бу ёрдам қандай шартлар билан берилмоқда? Сиз, мухбирлар, ёзибгина қолмай, балки ёзилган гапларни ҳам ўқимоқдасиз, деб ўйлайман. Шу сабабли кеча мен ва Индонезия президенти имзолаган ва бугун эълон қилинган битимни лоақал ўқиб чиқишингизни сиздан ўтинар эдим, сизлар бу битимни ўқиб кўрсангиз, ана шу шартлар нимадан иборат эканлигини билиб оласиз. Жуда енгил шартлар билан ёрдам берилади. Биз бойлик тўплаш мақсадида эмас, балки қардошларча ёрдам кўрсатиш мақсадида кредит бермоқдамиз. Ана шу ёрдамни олаётган мамлакатлардаги халқлар, бизнинг дўстларимиз, бу ёрдамга муносиб баҳо бермоқдалар.

«Хариан раҳьят» газетаси мухбирининг саволи: Совет Иттифоқи, социалистик лагернинг ва дунёдаги барча тинчликсевар халқларнинг тинмай қилаётган ҳаракати туфайли, кейинги вақтларда халқаро кескинлик юмшай бошлади. Аммо, Сиз ўз нутқларингизда кўрсатиб ўтганингиздек, халқаро муҳитни ҳали ҳам заҳарлаб келаётган ўжар арбоблар ҳануз бор. Сизнинг фикрингизча юқсак доирадаги конференцияни муваффақиятли ўтказишда ва умуман бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида жаҳон халқларининг энг муҳим вазифалари нимадан иборат?

Н. С. Хрушчев: Совет ҳукумати ҳозирги халқаро вазиятни тинчликни сақлаш учун қулай деб ҳисоблайди. Халқаро вазиятнинг тобора яхшиланиши барча мамлакатлар сиёсатининг тинчлик йўлидан ривожланиб бориши учун халқларнинг актив ҳаракат қилишларига боғлиқдир. Биз бунга ишонамиз, чунки барча мамлакатларнинг халқлари тинчликни истаётганликларини ва шу йўлда бутун куч-ғайратларини ишга солаётганликларини биламиз.

Ўжар арбобларга келганда, уларни ўжарликдан тушириш ва бу арбобларнинг ҳам халқлар ўртасида тинчликни таъминлайдиган янгиликни тушуниб олишларига эришиш лозим.

Мен кишининг ақл-идрокига ишонаман ва агар сизлар тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам берсангиз, ана шу буюк мақсадга эришилади, деб ўйлайман.

«Хариан раҳьят» газетаси мухбирининг саволи: Азоб-уқубатларни бошидан кечирган Индонезия халқи япон империализми нима эканлигини билади ва шу сабабли ҳозирги вақтда Японияни ремилитаризация қилинишига қарши кураш олиб бормоқда. Индонезия халқи Индонезия парламентида Киси ҳукуматини танқид қилиб айтган гапларингизга зўр эътибор берди. Аммо, бош министр Киси Сизнинг огоҳлантириб айтган гапларингизни «аралашиш» деб ҳисобламоқда. Сизнинг ана шу фикри тўғрисида нима дея оласиз?

Н. С. Хрушчев: Бизнинг гапимиз Киси жаноблари талқин қилганидек тушунилар экан, у ҳолда, мен ҳам унинг сўзини дадил қилиб айтишим мумкин-ки, у, бизнинг ишимизга аралашмоқда, чунки Кисининг Вашингтонда имзолаган шартномаси — Қўшма Штатлар билан тузилган шартнома Япония оролларида Қўшма Штатларнинг қўшинларини қолдиришни, яъни Японияни оккупация қилишни давом эттиришни кўзда тутади. Америка қўшинлари Японияда қандай мақсадлар билан қолдирилди, деган савол туғилади. Менинг фикримча, ана шу районда баъзан қутуриб кетадиган тайфунларга қарши кураш учун эмас **(завқли жонланиш)**, балки, аввало, халқ Хитойига ва Совет Иттифоқига қарши курашмоқ учун қолдирилган. Бу эса, бизнинг ишимизга аралашишнинг худди ўзгинасидир. Шундай усуллар билан бизнинг ишимизга аралашар эканлар, бизга ҳам худди шундай усуллар билан аралашишга ижозат беринг: биз ҳарбий блокларга қарши ва ўзгаларнинг территорияларида ҳарбий базалар вужудга келтирилишига қарши курашиб келдик ва бундан буён ҳам курашамиз. Мен соғлом фикр енгади, деб ишонаман, биз ана шу позицияда турибмиз!

«Бинтанг тимур» газетаси мухбирининг саволи: Илгариги вақтларда «тараққий этган мамлакатлар» деб аталган мамлакатлар томонидан берилган ёрдамнинг характери ёрдам берувчи мамлакатларнинг ёрдам олувчи мамлакатларга нисбатан кўпроқ фойда ундириб олишини ҳамиша ўз олдига мақсад қилиб қўяр эди; шу сабабли «кам тараққий этган мамлакатлар» деб аталган мамлакатлар чет эллардан олинадиган ҳар қандай ёрдамни доим иншончсизлик билан олади-лар. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга, хусусан «кам тараққий этган мамлакатлар» деб аталган мамлакатларга берадиган ёрдаминг характери, шартлари, шунингдек мақсадлари жиҳатидан янги саҳифа очадими? Сиз жаноб олийлари, СССР етти йиллик планининг бажарилиши яқинлашиб қолганини эътиборга олиб, Совет Иттифоқининг ҳозирги вақтда кам тараққий этган мамлакатларга бераётган ва келгусида берадиган ёрдаминг характери, шартлари ва мақсадларини тушунтириб беришингизни умид қиламиз.

Н. С. Хрушчев: Капиталистик давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга берадиган ёрдами ва социалистик мамлакатларнинг бу давлатларга берадиган ёрдами бир-биридан тамомила бошқача принципларга асосланади. Капиталистик давлатлар ўз жамиятининг қонунига — «алдамасанг, сотолмайсан», бошқа сўз билан айтганда, кучсиз кишининг эртага яна ёрдам сўраб келмоғи учун унга бугун ёрдам бер, деган қонунга амал қиладилар. Аҳвол ҳа деб шу тариқа давом эта беради. Бу асло ёрдам бўлмай, балки ёқасидан ушлаб олиб, асорат остига олиш, у ёки бу мамлакатни давлатларнинг, ёки бирор шахслар группасининг эксплуатация қилиш объектига айлантиришдан бошқа бир нарса эмас.

Социалистик давлат ўз ҳаётини бошқа асосларда қуради. Биз барча халқларнинг қардошлик туйғулари ва тенглигини назарда тутамиз. Бизда ишлаб чиқариш воситалари бирор шахсга ёки бир тўда шахсларга қарашли бўлмай, балки бутун жамиятники, халқникидир. Шу сабабли биз барча халқларнинг, барча давлатларнинг бахт-саодатли бўлишини истаймиз. Биз халқаро майдонда ўтказиб келаётган сиёсатимизда ҳам худди шу принципларга амал қилмоқдамиз. Биз, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлган мамлакатлар кучсиз мамлакатларга ёрдам беришлари керак, деб ҳисоблаймиз, чунки табиат бу мамлакатларни кучсиз қилиб яратмаган, уларнинг кучсиз бўлишига сабаб шуки, кучли давлатлар бир вақтлар уларни талаб келган эдилар. Биз кам тараққий этган мамлакатларнинг ўз халқларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлай олишлари, олга силжиб бора олишлари учун уларнинг қоматларини ростлаб олишларига, ўз экономикасини ривожлантиришларига ёрдам беramиз. Шундай қилгандагина, халқлар ўртасида чинакам дўстона, қардошларча муносабатлар бўлишини таъминлаш ва урушнигина эмас, балки бошқа ҳар қандай низоларни ҳам инсоният ҳаётидан суриб чиқариш мумкин. Биз ёрдам бериш тариқасида кўрсатаётган хизматимиз учун маълум миқдорда процент олар эканмиз, кредит бериш юзасидан қилинадиган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган жуда оз миқдордаги процентлар оламиз.

Чехословакия газетаси «Руде право» мухбирининг саволи: Никита Сергеевич, Осиёдаги уч мамлакатга ва, жумладан, Индонезияга қилган сафарингиздан қандай таассурот олдингиз?

Н. С. Хрушчев: Ҳиндистон, Бирма ва Индонезияга қилган сафаримдан менда жуда яхши таассурот қолди. Мен вақтнинг кўп қисмини Индонезияда ўтказдим. Индонезия ҳақиқатан ҳам эртакларда тасвирлангандек жаннатдек гўзал мамлакатдир. Бу мамлакат менда айниқса кучли таассурот қолдирди.

Мен шунга аминманки, Индонезия узоқ давом этган мустамлакачилик зулми оқибатларига барҳам бериб, ўз саноатини ривожлантирган, ўз қишлоқ хўжалигини юксалтирган чоқда, бу мамлакат энг бой ва энг бахтли мамлакат бўлади. Индонезия жуда кўп темир руда, қалайи ва бошқа қазилмалар запасларига эгадир, унинг ер остида текширилмаган ва очилмаган бойликлари ҳали жуда кўп. Индонезияда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда яхши шарт-шароит бор.

Мен бунга ҳасад қилмай, балки бундан дўстона ва қардошларча хурсандман. Индонез халқига бахт ва саодат тилайман. У жуда талантли ва меҳнатсевар халқдир.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг саволи: Сиз Россиянинг қуролсизланиш соҳасидаги позицияси сиз ғарбдаги иттифоқчиларнинг ён беришларига қарамай, уларнинг ғарбий Берлиндан чиқиб кетишларини қаттиқ талаб қиламан, деб айтганлигингиз ростми? Сиз Италия президенти Гронкига шундай гапларни айтганмидингиз?

Н. С. Хрушчев: Масаланинг қўйилиши унча тўғри эмас: ғарб мамлакатлари тинчликни таъминлаш масалаларида Совет Иттифоқига ён беришлари керак экан-ку, биз Берлин масаласида ғарбга ён беришимиз керак экан. Бу нотўғри. Булар тамомила мустақил масалалардир ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳал этиш талаб этилади.

Ахир, қуролсизланишдан, тинчликни таъминлашдан Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатларнинг бир ўзигина манфаатдорми? Тинчликнинг таъминланишидан барча халқлар манфаатдордирлар. Бинобарин, қуролсизланиш тўғрисидаги масалани шу тариқа қараб чиқиш ва ҳал этиш керакки, у, барча мамлакатлар учун, барча халқлар учун, тинчлик иши учун манфаат келтирсин.

Ғарбий Берлин тўғрисидаги масала тамомила бошқа масаладир. Бу, иккинчи жаҳон урушининг оқибатларини тугатиш тўғрисидаги масаладир. Бу масалани ҳал этиш уруш тамом бўлганидан кейин 15 йилга кечикди. Хўш, яна қанча кутиш мумкин? Тинчликни мустаҳкамлаш учун тез орада юксак доирада кенгаш ўтказилади, лекин ўтган урушнинг оқибатлари ҳали тугатилган эмас-ку. Бундай аҳвол ақл-идрокка хилофдир. Шу сабабли биз уруш оқибатларини тугатиш йўлида ҳаракат қила берамиз, ўтган урушдаги иттифоқчиларимизни мавжуд ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномасини имзолашга ундай берамиз. Мобода, улар буни тушунмасалар, ёки тушунганлари ҳолда шундай қилишни истамасалар, у ҳолда биз Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномасини имзолаймиз.

Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси имзоланганидан кейин, Германияга қарши олиб борилган урушнийг барча оқибатлари ҳам Германия Демократик Республикаси территориясида тугатилади, Ғарбий Берлинга нисбатан ҳам шундай бўлади. Ғарбий Берлин Германия Демократик Республикаси территориясидадир.

Антара агентлиги мухбирининг саволи: Ғарб мамлакатлари икки қисмга бўлиниб кетган ана шу давлат проблемасини ҳал этмоқ учун бутун Германияда плебисцит ўтказишни таклиф қилмоқдалар. Бош министр Хрушчев, бу тўғрида нима дейишингиз мумкин?

Н. С. Хрушчев: Биз бу масаладаги ўз позициямизни илгари тушунтириб берган эдик.

Биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдоримиз. Плебисцит тўғрисидаги масала, у ёки бу давлатда, ёхуд давлатларда плебисцит ўтказиш тўғрисидаги масала ана шу давлатларда яшовчи халқларгагина тааллуқлидир. Совет Иттифоқи билан Германия, ҳатто, бир-бирига қўшни ҳам эмас. Плебисцит тўғрисидаги масала кўтарилар экан, ҳар иккала герман давлатининг ҳукуматлари бир жойга йиғилиб маслаҳатлашсинлар ва ўзлари истаган ишни қилсинлар. Совет Иттифоқи уларнинг қарорини танийди ва ҳурмат қилади. Аммо, биз бундай масалаларни ҳал этишда қатнашмаймиз ва қатнашмаяжакмиз ҳамда бирор давлатнинг бошқа мамлакатлар ишига аралашувига ҳам қаршимиз.

Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси мухбирининг саволи: Сиз Берлин учун эркин шаҳар статутини ҳали ҳам кўзда тутасизми?

Н. С. Хрушчев: Ҳа, биз бошқача йўл йўқ, деган фикрдамиз. Биз Ғарбий Берлин тўғрисидаги масалани шундай ҳал этилишини истаймизки, бирон томон учун қийинчиликлар вужудга келмасин, бу шаҳарда рўй берган шароитни қайд қилишнигина хоҳлаймиз. Ғарбий Берлинда капиталистик тартиблар мавжуддир, биз Ғарбий Берлин аҳолисининг ишига аралашишни хоҳламаймиз, ундаги мавжуд тузумни ўзгартиришни талаб қилмаймиз. Аммо, биз Ғарбий Берлинда оккупация режимининг тугатилиши учун курашмоқдамиз ва курашамиз.

Бинобарин, Ғарбий Берлинга эркин шаҳар статутини бериш — мавжуд бўлган бирдан-бир имконият-дир, деган хулосага келамиз. Шу сабабли биз шу позицияда туриб келдик ва турмоқдамиз ҳамда бу, энг оқилона позиция деб ўйлаймиз. Иттифоқчиларимизнинг фикримизни тўғри тушунишларини ва бизнинг фикримизга қўшилишларини истаймиз. Бу фойдали бўлур эди ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг ҳал қилинишига ёрдам берган бўлур эди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси мухбирининг саволи: Бош министр жаноблари, матбуот хабарига кўра, Сиз президент Эйзенхауэр билан маҳфий учрашиш кунини белгиланган экансиз. Вашингтонда бу хабар нотўғри эканлиги кўрсатилди. Сиз бу масалани аниқроқ ёритиб беролмайсизми?

Н. С. Хрушчев: Бундай хабарлар мухбирларга қаердан маълум бўлганлигига таажжуб қиламан. Аммо, бундай хабарлар тарқалган экан, дарҳақиқат кеча мен президент Эйзенхауэр билан учрашдим, деб тан олишга мажбурман. Президент Эйзенхауэр Индонезияда бўлган эди ва мен у билан узоқ суҳбатлашдим. Суҳбат гоят самимий ўтди. Бугун у, Вашингтонга учиб кетди. Сизнинг олдингизда бунга иқрорман. **(Умумий кулги, қарсаклар).**

«Бинтанг тимур» газетасининг саволи: СЕАТО, СЕНТО каби ўзаро бир-бирига ёрдам берадиган блокларнинг ва янгидан тузиладиган ҳар хил блокларнинг истиқболи қандай?

Н. С. Хрушчев: Мен шунга чуқур аминманки, бундай агрессив блокларнинг тузилиши аҳмоқона идеядир ва ҳар қандай аҳмоқона идея каби бу идея ҳам муқаррар ер билан яксон бўлиши керак. Биз — Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар ана шу пайт мумкин қадар тезроқ келиши учун қўлимизлан келган ҳамма ишни қиламиз. Биз бу билан халқларнинг мушкулини осон қиламиз ва кишилар осойишта ҳамда ишонч билан яшайдиган бўладилар.

«Панча варта» газетаси мухбирининг саволи: Сиз буюк давлатлар конференциясидан қандай максимал натижалар кутмоқдасиз?

Н. С. Хрушчев: Сиёсий масалаларда максимум ёки минимум тушунчаларга амал қилиш жуда қийин, чунки бу ишда аниқ мезонлар йўқ. Аммо, шундай бўлса ҳам, мен АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг, Англия бош министри Макмилланнинг ва Франция президенти де Голлнинг яхши ниятда эканликларига ишонаман. Шахсан мен бу конференциядан фойдали натижалар кутаман ва бунинг учун биз бутун куч-ғайратимизни сарф қиламиз. Сизлар бир оз сабр қилингиз, ана шу учрашувга унча кўп вақт қолмади, тез орада ҳамма нарсани билиб оласиз.

ИНПС (Индонезия миллий матбуот хизмати) информация агентлиги мухбирининг саволи: Совет Иттифоқидан кредит олган мамлакатлар Совет Иттифоқидан олинган маблағлар билан тўланадиган қурилиш объектларини бемалол танлай оладиларми?

Н. С. Хрушчев: Совет Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга кредит бериш шартлари ана шу ёрдамни у ёки бу соҳадагина сарф қилиш мажбуриятини юклайдиган қоидаларни кўзда тутмайди. Ана шу кредитларни олувчи давлатлар маблағларни қандай мақсадлар учун сарф қилишни белгилашда ва улар ўз халқи учун, ўз мамлакати учун фойдали ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган корхоналарни вужудга келтиришда ўз хоҳишларича иш кўра оладилар.

ИНПС информацион агентлиги мухбирининг саволи: Индонезияга қилган сафарингиз тўғрисидаги таассуротингиз қандай, шунингдек президент Сукарно билан олиб борган музокараларингиз тўғрисидаги таассуротингиз қандай?

Н. С. Хрушчев: Индонезияга қилган сафарим тўғрисида, унинг халқи ҳақида, мамлакатнинг бойликлари тўғрисида менда жуда яхши таассурот пайдо бўлди. Энг муҳими бу мамлакатнинг халқи тўғрисида менда жуда кучли таассурот қолди. Индонезия халқи — ажойиб меҳнатсевар халқдир.

Биз Индонезия президенти Сукарно жаноблари билан кўп суҳбат қилдик. Мен у билан учинчи марта учрашаётирман ҳамда ҳар сафар ва ҳар бир учрашув билан Индонезиянинг ана шу толмас сиёсий арбобига самимий ҳурматим орта борди. Мен Сукарно жаноблари билан учрашувларим ва қилган суҳбатларимдан хурсанд эканлигимни сизларга айта оламан ва ўртамизда бўлиб ўтган бу суҳбатлар халқлар манфаати йўлида, тинчлик саодати йўлида такрорлана беражагига ишонаман.

Жаноблар, энди мен ҳам матбуот конференциямизни бундан кейин давом эттириш тўғрисида қандай қарор қабул қилиш мақбул деган масалани сизнинг олдингизга қўйишни ва бу масаланинг моҳокама қилинишини истар эдим.

Икки хил қарор бўлиши мумкин: биринчи қарор — матбуот конференциямиз тамом бўлди ва мен ҳамма савалларга жавоб бериб бўлдим, деб топилсин. Иккинчи қарор — матбуот конференцияси тўхтатилсин ва у Москвада яна бошлансин. Сизларни Москвага таклиф этаман. **(Кулги, залда жонланиш).**

Залдан савол: Бизга бориш учун рухсатнома бериладими?

Н. С. Хрушчев: Марҳамат, элчихонамизга мурожаат қилинг ва рухсатнома олинг. Истаган кишиларнинг ҳаммаси келсин.

Залдан савол: Жўнаб кетишга рухсатнома керакми?

Н. С. Хрушчев: Бу гапни қандай тушуниш керак?

Овоз: Бу ерда жўнаб кетиш учун рухсатнома олиш қийин.

Н. С. Хрушчев: Биз меҳмонларни кутиб олишга доим тайёрмиз ва улар жўнаб кетадиган бўлсалар, ушлаб турмаймиз. **(Кулги, жонланиш).** Жаноблар, эътиборингиз учун раҳмат. Сизларга муваффақият тилайман. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Индонезияда бўлиши

Индонезия жамоат ташкилотларининг вакиллари билан учрашув

ЖАКАРТА, 29 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бугун Жакартадаги Негара саройида Жакарта ишчи, деҳқон, хотин-қиз, ёшлар оммавий ташкилотларининг ва маданият ташкилотларининг, шунингдек тинчлик тарафдорлари ҳаракати ветеранлари ташкилотининг ҳамда Индонезия ва СССР маданий алоқа жамиятининг 60 га яқин вакилларини қабул қилди. Бу ташкилотларнинг вакиллари Министрлар Совети Раисига Индонезия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда Н. С. Хрушчевнинг дўстлик ва тинчлик визити билан Индонезияга келганлиги учун миннатдорчилик белгиси сифатида ҳар хил совғалар тақдим этдилар.

Касаба союзлари Марказий федерациясининг бош секретари Ньоно совғаларни тақдим қилар экан, Хрушчевнинг визити Индонезия халқи учун ғоят муҳим аҳамиятга эга, чунки бу визит Индонезия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини, шунингдек мустамлакачиликка қарши, тинчлик учун курашда иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деди. Сизнинг визитингиз, деди Ньоно, Индонезия халқини тинчлик учун, тўла миллий мустақилликка эришиш учун курашга рағбатлантиради.

Сўнгра Индонезиянинг Совет Иттифоқи билан маданий алоқа жамияти раиси доктор Бунтаран сўз олиб, Индонезия халқи тинчлик учун ва халқларнинг миллий мустақиллиги учун атоқли курашчи — Н. С. Хрушчевни ўз юртида табриклаш билан жуда хурсандир, деди. Сизнинг визитингиз, деди Бунтарам Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб сўзида оммавий ташкилотларнинг вакиллари айтган фикрларга тамомила қўшилганлигини айтди. Сизнинг халқингиз тинчликни истайди, деди Н. С. Хрушчев, мен ҳам тинчликни истайман, мен ҳам сизнинг халқингиздек тинчлик ва дўстликка тарафдорман. Сизнинг халқингиз мустақилликка интилмоқда, бизлар, совет кишилари эса сизларга ўз интилишларингизни рўёбга чиқаришда ёрдам беришни истаймиз. Амин бўлингки, деди Н. С. Хрушчев, сизнинг халқингизнинг тўла мустақилликка эришиш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш йўлидаги курашида биз, совет кишилари сизнинг ёнингизни оламиз, биз сизларнинг содиқ дўстларингизмиз. Гарчи социал системаларимиз турлича бўлса-да, биз сизнинг мамлакатингизнинг ички ишларига аралашишни истамаймиз. Биз ўз мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлида иш олиб бормоқдамиз, ва бу жиҳатдан бизга ҳамманинг ҳам қўшилмаслиги мумкин, лекин бизлар ўз халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида иш олиб бораётганлигимизга бирор кимсанинг ҳам қўшилмаслиги мумкин эмас.

Никита Сергеевич Хрушчев Совет ҳукуматининг ва совет халқининг вакили сифатида бу совғаларни совет халқига ва Совет ҳукуматига топширажагини айтди. Н. С. Хрушчев Индонезия меҳнаткашларига самимий салом топширишни ташкилотларнинг вакилларидан сўради.

Сўнгра оммавий ташкилотларнинг вакиллари СССР Министрлар Совети Раисига совғалар топширдилар.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ЗИЁФАТ

ЖАКАРТА, 29 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Дўстлик визити билан Индонезияда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Индонезия Республикасининг президенти Сукарно шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Индонезия томонидан президент Сукарно, Биринчи министр Жуанда, парламент раиси Сартоно, Ташқи ишлар министри Субандрио, Миллий хавфсизлик министри Насутион, Олий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Абдулгани, Миллий планлаштириш кенгашининг раиси Муҳаммад Ямин, қурилиш ва тараққиёт министри Хайрул Соли, Ишлаб чиқариш министри Супражоги, Маориф ва маданият министри Прийоно ва Индонезия ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Маданият министри И. А. Михайлов, СССР Министрлар Совети чет эл мамлакатлари билан маданий алоқалар Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Олий Советининг депутати Т. Ў. Ўлжабоев, Озарбайжон ССР ташқи ишлар министри Т. А. Тоирова, ССРнинг Индонезиядаги Муваққат ишлар вакили П. С. Кузнецов ва Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. С. Хрушчев ва президент Сукарно дўстона табрик нутқлари сўзладилар. Зиёфат гоят дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

ЖАКАРТА УНИВЕРСИТЕТИГА СОВҒА

ЖАКАРТА, 29 февраль. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет Иттифоқи бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Индонезияга қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган СССР Маданият министри Н. А. Михайлов бугун Жакарта университетининг ректори Сужоно Пуспонегоро ҳузурида бўлиб, унга рус ва ажнабий тиллардаги совет илмий ва бадиий адабиёт кутубхонасини СССР Министрлар Совети Раиси номидан университетга совға қилиб топширди. Н. А. Михайлов, Н. С. Хрушчевнинг университет ректори номига юборган мактубини унга топширди. Мактубда бундай дейилади.

«Жакарта шаҳридаги университет ректори Сужоно Пуспонегоро жанобларига.

Ҳурматли ректор жаноблари!

Мен рус ва ажнабий тиллардаги совет илмий ва бадиий адабиётлар кутубхонасини сиз раҳбарлик қилаётган университетга Совет ҳукумати номидан совға қилишдан ғоят мамнунман.

Ана шу кутубхона бизларнинг мамлакатларимиз ўртасида маданият ва фан соҳасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қила берсин.

Барча профессорларга, ўқитувчилар ва студентларга уларнинг мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги улкан ва мураккаб ишларида муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истагимни уларга етказишингиз, ректор жаноблари, Сиздан илтимос қиламан. Ана шу кадрлар озод, мустақил Индонезияни барпо этишлари керак.

Камол эҳтиром ила **Н. Хрушчев.**

1960 йил, 29 февраль.

Сужоно Пуспонегоро ана шу совға учун СССР Министрлар Советининг Раисига қизғин миннатдорчилик билдирди. Ректор ҳам Совет Иттифоқи билан Индонезия ўртасидаги маданият ва фан соҳасидаги дўстлик алоқаларининг тағин ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланиши истагини изҳор қилди.

Азиз меҳмон Индонезиядан жўнаб кетди

ЖАКАРТА, 1 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун маҳаллий вақт билан соат 8—25 минутда (Москва вақти билан соат 3—55 минутда) «ИЛ—18» самолётида Жакартадан жўнаб кетдилар.

Совет ва Индонезия байроқлари, Н. С. Хрушчев ва Сукарнионинг портретлари билан ҳамда табрик сўзлари ёзилган шиорлар билан безатилган аэродромда ҳурматли совет меҳмонларини Индонезия президенти Сукарно, Биринчи министр Жуанда, парламент раиси Сартоно, ҳукумат аъзолари ва парламент депутатлари, қуролли кучларнинг раҳбарлари, дипломатик корпус бошлиқлари узатиб қолдилар.

Н. С. Хрушчев ва Сукарно самимий хайрлашув нутқи сўзладилар.

Ҳурматли совет меҳмонининг жўнаб кетиши шарафига фахрий қоровул саф тортиб турди, Индонезия Республикаси ва СССР давлат гимнлари ижро этилди ҳамда миллатлар салюти берилди.

Н. С. Хрушчев ва Сукарно самимий қучоқлашадилар.

Самолёт аэродромдан парвоз қилиб, Калькуттага томон йўл олади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан

КПСС МОСКВА КОМИТЕТИ ВА МОСКВА ШАҲАР КОМИТЕТИ СИЁСИЙ МАОРИФ УЙИДА ВИСТАВКА

КПСС Москва комитети ва Москва шаҳар комитети сиёсий маориф уйида В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб очилган выставкага кўплаб томошабинлар келмоқдалар.

Выставка материалларида Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг болалик ва ёшлик чоқлари, ёш Ленинниинг революцион кураши бошланиши, марксистик партиянинг тузилиши ва улуғ йўлбошчининг совет давлатини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш учун олиб борган қизғин кураши акс эттирилади.

«Биз коммунизм ғалабасига эришамиз» деган стенд ёнида доимо одам кўп бўлади. Бу ерда Владимир Ильичнинг «Буюк почин», «Мусобақани қандай уюштириш керак?» деган асарлари, «Правда» газетасининг 1919 йилги айрим сонларининг фотонусхалари бор. Газетанинг бу сонларида биринчи коммунистик шанбаликлар тўғрисида ва В. И. Ленининг башорат қилиб айтган гениал фикрларининг амалга ошганлиги ни кўрсатувчи бошқа материаллар босилган эди. Ҳозир шонли эстафетани биринчи коммунистик шанбаликлардан индустриямиз асосини барпо этган дастлабки беш йилликларнинг зарбдор бригадалари орқали коммунистик бригадалар қабул қилиб олдилар.

Халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида Ильичнинг фикр ва орзуларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. «Ленин йўлидан, коммунизм ғалабаси сари» деган стенд ана шунга бағишланган.

Владимир Ильич Москва ва Москва атрофидаги меҳнаткашлар билан маҳкам боғланган эди. Москвада ва Москва областида турли вақтларда Ильич борган 150 га яқин давлат ва жамоат бинолари, фабрикалар, заводлар ҳисобга олинган. Катта стенднинг материаллари ана шуларни акс эттириб туради. Кўпгина фотосуратлар билан бир қаторда Москва ва Москва областидаги тарихий жойларнинг харитаси жойлаштирилган. Бу жойлар Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғланган.

Выставкада «В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан» деган бўлим ҳам бор. (ТАСС).

350 ТА ЯНГИ «ХВС»

Совет Иттифоқидаги барча пахтакор республикаларга пахта териш машиналари етказиб берадиган «Ташсельмаш» заводи коллективи кун сайин суръатни тезлаштирмоқда. Машинасозлар шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида 350 та «ХВС-1,2» машинаси ишлаб чиқариб, пахтакорларга жўнатдилар. Бу эса графикда белгиланганидан 15 та машина ортиқ демакдир. Уртоқ В. Ф. Бибик бошлиқ йигув цехи коллективи илҳомбахш Ленин кунларида энг яхши ютуқларни қўлга киритиб, заводнинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб турибди.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҒАЙРАТИ

Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг меҳнатсевар коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги кунига муносиб совға тайёрлаш ниятида меҳнат вахтасида туриб ишлаётирлар.

Утган йилнинг декабрь ойида ишга туширилган 3-металлургия цехининг коллективи етти йиллигининг иккинчи йили бошиданоқ яхши натижаларга эришаётир. Айниқса ўртоқ Михайлов бошлиқ майдалаш участкаси ва ўртоқ Галашкевич бошлиқ силлиқлаш участкаси аъзолари Ленин кунларида зўр ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилмоқдалар. Металлурглардан Зангирова, Солихова, Риҳсибоев, Саидхалилова, Аметов каби ўртоқлар аъстойдил ишлаб, смена нормаларини 180—200 процентдан адо этаётирлар.

Комбинат металлургларининг салкам ярми 1960 йилнинг биринчи ярим йиллик планини бажариб қўйдилар.

Т. УРУНОВ.

130.000 МЕТР ГАЗ ВА НЕФТЬ ҚУДУҚЛАРИ

Республикамизнинг турли районларида нефть ва газ конлари топиш мақсадида олиб борилаётган разведка қидирув ва парма лаш ишлари яхши натижалар бермоқда. Утган йили «Ўзбекнефтгазразведка» трести қарамоғидаги йириклаштирилган Косон разведкасининг геолог ва нефтчилари самарали меҳнат қилиб, 100.000 метр узунликда қудуқ қазиб, Оҳжарда газ ва нефть конини очишга муваффақ бўлдилар.

Жанубий Муборак газ конида газ қатламларини аниқлаш тугалланай деб қолди. Геолог-олимлар жанубий Муборак конидаги иккита газ қатламида 50 миллиард кубометрдан ортиқ газ борлигини аниқладилар.

А. АБДУҚОДИРОВ.

8 ТОННА СУТ

Норхолби Йўлдошевани Поп районидаги Ленин номли колхозда иззат-ҳурмат қиладилар. У, қарийб 16 йилдан бери сут соғувчи бўлиб ишлайди. Ўтган йили у 18 та сигирнинг ҳар биридан 4100 килограммдан сут соғиб олган эди. Ўртоқ Йўлдошева бу йил ҳар бир сигирдан 8 тоннадан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Бир ярим ой ичида 18 та сигирнинг ҳар биридан 945 килограммдан сут соғиб олди.

ФАҚАТ АЪЛО НАВЛИ КИЙИМ-КЕЧАК ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ

Самарқанддаги 8-Март номли тикувчилик фабрикаси коллективининг мажбурияти

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанддаги 8-Март номли тикувчилик фабрикаси коллективининг кийим-кечак ишлаб чиқаришни мумкин қадар кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтиришга қаратилган ташаббусини маъқуллади.

Узбекистон КП Марказий Комитети область, шаҳар, район партия комитетлари, халқ хўжалиги кенгашлари ва Ўзбекистон касаба союзлари Советига бу ташаббусни халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқараётган корхоналар ўртасида кенг ёйишни тавсия этди.

☆ ☆

Самарқанддаги 8-Март номли фабрика тикувчилари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турадилар ва КПСС XXI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XV съезди қарорларига амалий жавоб бериш ниятида зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

Етти йилликнинг иккинчи йили давлат планини 15 декабрда бажарадилар. Меҳнат унумдорлигини пландагидан 1,2 процент оширадилар ва 20 та кийимнинг ҳаридоргир янги моделини ўзлаштириб, савдо тармоқларига чиқарадилар.

Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш, янги техникани жорий этиш, оғир қўл меҳнатини механизациялаш ва илғор технологияни жорий этиш ҳисобига **1965 йилда қўшимча маблағлар сарфламай 1958 йилдагидан икки баравар кўп ёки етти йилликда белгиланганидан 25 процент кўп кийим-кечак ишлаб чиқарадилар.**

Биз 1960 йилда ишчиларнинг малакасини янада оширишга, технология интизомини мустаҳкамлашга, технология жараёнларида ўзаро назоратни кучайтиришга қаратилган жуда катта тадбирлар белгилаймиз. Бу тадбирлар «аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрика» деган номни олиш учун курашимизда ёрдам беради. 1961 йилда фақат биринчи сортли, кейинчалик эса фақат «аъло» сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчамиз. Савдо тармоқларига юборилган маҳсулотнинг ҳаммасига фабриканинг ўзи жавобгар бўлади, савдо базаларида қўшимча суратда навларга ажратишга хотима берилади.

1962 йилгача турли курслар ташкил этиш ҳамда илғор иш усулларини ўргатиш йўли билан ҳар бир тикувчи 3—4 касбни эгаллайди, камида 800 ишчининг малакаси оширилади.

Ана шу мажбуриятларни олаётиб, биз республикадаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари коллективларини маҳсулот турларини кўпайтириш ва юқори сифатли ҳамда чиройли буюмларни кўп ишлаб чиқариш юзасидан социалистик мусобақага қўшилишга чақирамиз. Уларни совет китпиларининг ўсиб бораётган модний ва маданий аҳтиёжларини тўла қондириш вазифаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз.

Шунингдек, биз савдо ташкилотларини ходимларига мурожаат қилиб,—дейилади Самарқанд тикувчилари мажбуриятида, — аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган талабларини яхши ўрганиш, савдо тармоқларида сақланаётган моллар сифатининг бузилишига қарши кескин кураш олиб бориш, савдо маданиятини янги поғонага кўтаришга чақирамиз.

Олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун озуқа ресурсларини кескин даражада кўпайтириш ҳақида ҳозирдан ўйлаш керак. Область колхоз ва совхозлари ҳамда бошқа давлат хўжаликлари бу йил камида 600 минг тонна силос бостириш, ҳар гектар маккажўхоридан 500 центнердан думбул сўтаси билан кўкпоя олишга қарор бердилар. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларда бу йил маккажўхоризорлик билан шуғулланадиган емхашак етиштирувчи махсус трактордалачилик бригадалари тузилди. Маккажўхори ҳамма жойда асосан квадрат-уялаб экилади ва икки томонлама ишланади.

Область партия комитети олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун фермаларни чорвадор кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётир. Чорвачилик фермаларида ишлаш учун яқин вақт ичида 2000 дан ортиқ коммунист ва комсомол ишга юборилади. Жуда кўп ёшлар фермаларда ишлаш ҳоҳишини билдирмоқдалар. Бу соҳада Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоздан Зуҳра Комилова ажойиб ташаббус кўрсатди. У, ўрта мактабни тамомлагач, сут соғувчи бўлиб ишлай бошлади ва бу йил ҳар бир сигирдан камида 5700 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилди.

Шаҳар партия, совет ташкилотлари чорвачилик фермалари устидан оталик қилиб, шу йил мобайнида 200 дан ортиқроқ чорвачилик фермасини механизациялаштириш мажбуриятини олдилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, шу жумладан чорвадорлар ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашадилар.

Б. МИРЗАБЕКОВ,

Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

30 МИНГ ТОННА ГЎШТ, 50 МИНГ ТОННА СУТ

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Тошкент область колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларига жавобан бу йил давлатга 30 минг тонна гўшт сотиш ёки бир йилда икки йиллик планни бажариш, шунингдек, 1960 йил давлат планида кўзда тутилганидан 10 минг тонна ортиқ ёки 50 минг тонна сут сотиш мажбуриятини олдилар.

Олинган мажбуриятларнинг бажарилиши барча партия, совет ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан зўр ташкилотчилик ишлари олиб боришни талаб қилади. Қўйилган вазифа енгил эмас, лекин бажарса бўлади. Область колхоз ва совхозлари Рязань областининг шонли меҳнаткашларига эргашиб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Область чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил гўшт етишгиришни кўпайтириш учун молларни бўрдоқи қилиш ва ўтлатиб боқишни кенг миқёсда ташкил этишга қарор қилдилар. Ана шу мақсадда бу йил 35200 қорамол, 137500 қўй ва эчки, 150 минг чўчқа, 1100 минг паррандани бўрдоқига боқиб семиртирилади. Бунинг учун колхоз ва совхозларда колхозлараро ҳамда совхозлараро бўрдоқи базалари тузилди.

Илғорларнинг дастлабки эришган муваффақиятлари областда олинган мажбуриятларни бажариш учун катта резервлар борлигини кўрсатади. Бу соҳада Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси Ўртоқ Матқобулов) чорвадорларининг ажойиб ишини айтиб ўтиш керак. Бу ерда молни бўрдоқи қилишга алоҳида эътибор берилаётир. Колхоз шу йилнинг январь ойида гўшт сотиш ярим йиллик планини уч кундаёқ бажарди, давлатга 75 тонна ўртадан юқори семизликда гўшт топширилди. Гўштга топширилган қорамолларнинг ҳар бирининг тирик вазни 387 килограмм, чўчқалар 106, қуёнлар 2,3, паррандалар 2 килограмм бўлди.

Областимизнинг донгдор чўчқабоқувчиси—Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзоси Ким Николай мамлакатимизнинг илғор чўчқабоқувчиси Ярослав Чиж билан мусобақалашиб, бу йил 1000 бош чўчқани бўрдоқига боқиш ва давлатга 850 центнер гўшт сотиш мажбуриятини олди. Ўртоқ Ким яқинда мажбурият ҳисобига ҳар бирининг ўртача вазни 111 килограммдан бўлган 100 бош чўчқа топширди. Оржоникидзе районидаги Ленин номли, Янгийўл районидаги Сталин номли ва бошқа колхозларнинг чорвадорлари молларни бўрдоқига боқишнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқдалар. Тошкент совхозлар трестига қарашли ходимларнинг молларни бўрдоқига боқишдаги ташаббусини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Улар гўшт етиштириш жиҳатидан 1965 йилнинг сўнгги йилига мўлжалланган даражага шу йилнинг ўзидаёқ эришиш мажбуриятини олдилар. Шу йилнинг бошида эришилган дастлабки натижаларнинг ўзиёқ совхозлар ўз мажбуриятларини шараф билан бажарагагини кўрсатиб турибди. «1-«Боёвут» совхози чорвадорларининг иши айниқса мақташга сазовордир. Бу совхоз чорвадорлари қорамолларни, айниқса чўчқаларни бўрдоқига боқиш ишини яхшилаб, 1960 йилнинг 1 февралидаёқ давлатга гўшт сотиш юзасидан уч квартал планини бажардилар.

2-«Далварзин» (директори Ўртоқ Бойматов), «Гулистон» (директори Ўртоқ Ғаниев) совхозларида давлатга гўшт сотиш йиллик планлари январь ойидаёқ бажарилди. Совхозлар трести бўйича давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани 8 февралдаёқ бажарилди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан руҳланган область колхоз ва совхозлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан илгари — 8 февралда бажардилар. **Давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини Янги ер шаҳар колхоз ва совхозлари 119, Бекобод районида — 100, Сирдарё райони — 107 процент бажарди.** Колхоз ва совхозлар айниқса яхши натижаларга эришдилар. Кўпгина хўжаликлар давлатга нуқул семиз гўшт топширмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топмоқдалар. Ҳозир барча колхоз ва совхозларда чўчқалар сонини кўпайтиришга, чўчқа болаларини тўла сақлаб қолиш ҳамда ургочи чўчқаларни бир марта болалатиб олишга катта эътибор берилаётир. Чорвачиликнинг бу сергўшт, сердаромад тармоғи олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш резервидир.

Олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун озуқа ресурсларини кескин даражада кўпайтириш ҳақида ҳозирдан ўйлаш керак. Область колхоз ва совхозлари ҳамда бошқа давлат хўжаликлари бу йил камида 600 минг тонна силос бостириш, ҳар гектар маккажўхоризордан 500 центнердан думбул сўтаси билан кўкпоя олишга қарор бердилар. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларда бу йил маккажўхоризорлик билан шуғулланадиган емхашак етиштирувчи махсус трактордалачилик бригадалари тузилди. Маккажўхори ҳамма жойда асосан квадрат-уялаб экилади ва икки томонлама ишланади.

Область партия комитети олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун фермаларни чорвадор кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётир. Чорвачилик фермаларида ишлаш учун яқин вақт ичида 2000 дан ортиқ коммунист ва комсомол ишга юборилади. Жуда кўп ёшлар фермаларда ишлаш ҳоҳишини билдирмоқдалар. Бу соҳада Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоздан Зуҳра Комилова ажойиб ташаббус кўрсатди. У, ўрта мактабни тамомлагач, сут соғувчи бўлиб ишлай бошлади ва бу йил ҳар бир сигирдан камида 5700 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилди.

Шаҳар партия, совет ташкилотлари чорвачилик фермалари устидан оталик қилиб, шу йил мобайнида 200 дан ортиқроқ чорвачилик фермасини механизациялаштириш мажбуриятини олдилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, шу жумладан чорвадорлар ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашадилар.

Б. МИРЗАБЕКОВ,

Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ИШЧИ МУХБИРЛАР ХАБАР ҚИЛАДИ

ИЛҒОР ҚИЗ

Зуҳра Тожиева ўнинчи синфни тугатгач, Тошкентдаги радиолампа заводига ишга кирди. Идроли, меҳнатсевар Зуҳра мастер Э. А. Цульбруннинг яқинидан ёрдами туфайли мураккаб йигувчилик касбини тез эгаллаб олди. Ҳозир Зуҳра смена нормаларини 200 процентдан ошириб бажаратир.

А. Есин.

ШАРАФЛИ УНВОН УЧУН

Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикасида коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун 10 та бригада курашмоқда. Яқинда кўпдан бери унумли ишлатилган бригадаларнинг иш якуни кўриб чиқилди. Мастерлардан Е. Н. Машнина ва Р. Б. Прессман ўртоқлар бошлиқ коллективга коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди. Бундан руҳланган бригада аъзолари янада астойдил ишлаб, етти йилликнинг иккинчи йил топширишини бир ой аввал бажаришга аҳд қилдилар.

М. Ниёзов.

МУКАММАЛ ТЕХНИКА ҚУЛЛАНИБ

Янги техника ва илғор технология билан қуролланган «Ўзбекнефтгазразведка» трести 20 участкада разведка-парма лаш ишларини олиб боряпти. Ҳозир ҳамма участкаларда қудуқлар янги, прогрессив турбина усули билан пармаланмоқда.

Маълумки, газ қудугини қазиб бўлгач, унинг ичига қувурлар туширилиб, цементлаб қўйилади. Бунинг учун илгари соф цемент ишлатиларди. Ҳозир эса, қум қўшиб ишлатишни натижасида анча миқдорда соф цемент тежаб қолинаётир.

Р. Иброҳимов.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Бухоро район бўлими лекторлари пахтакорлар ва чорвадорлар ўртасида, шунингдек саноат корхоналари ва муассасаларда тез-тез лекция ўқиб турадилар. Суратда: ана шундай лекторлардан бир группаси (чапдан ўнгга): С. Жабборов, Нина Швец, С. Рамозонов ва М. Арабова ўртоқлар.

С. Нурмуҳамедов фотоси.

ХОТИН-ҚИЗЛАР 8-МАРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

ТЕХНИКАНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Поп районида Турсунойнинг издошлари кун сайин кўпаймоқда. 24 хотин-қиз механизаторликка ўқимоқда. Булар орасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Умриниса Ҳайитова икки ойдан буён механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиб, техникани ўрганмоқда. У техникани ўзи бошқариб, ғўзани икки томонлама ишлаш, бу йилги мавсумда 150 тонна пахта териш ва бригадасида ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. Шу колхоздан машҳур механизатор ўртоқ Мелиқўзи Умурзоқовнинг хотини, ўтган йил мавсумда 12 тонна пахта терган Сотқиной Йўлдошева ва Ўғилжон Абдурасулевалар ҳам Чустдаги механизация билим юртида ўқиб, механик-ҳайдовчи бўлишга тайёрланмоқдалар.

— Мен ўтган йил мавсумда 27 тонна пахта тердим,—дейди Жданов номли колхоз аъзоси Рўзибу Раҳмонова,—шу иш давримда ўнлаб қизларга иш методимни ўргатдим. Олдин ўзбек қизи Турсуной Охунованинг бошлаган ватанпарварлик ташаббуси мени ҳам техникани ўрганишга отлантирди. Мен ҳозир механизация билим юртида механик-ҳайдовчиликка ўқимоқдаман. Мен шу йилнинг ўзидаёқ машинани тўла эгаллаб, мавсумда 150 тонна пахта теришга аҳд қилдим.

Уйғурсойдаги резина техника буюмлари заводининг ишчиси Марям Умаркулова, Сталин номли колхознинг илғор теримчиси Орзибиби Жўраева, Пошша Ҳожибекова, «Коммунизм» колхозининг аъзоси Мамлакат Ўктамова, Ханифа Маҳмудовалар ҳам механик-ҳайдовчилар сафига қўшилиш ниятида ўқимоқда.

— Менинг касбим трактор-чиликдир, — дейди «Найман» совхозининг ишчиси ўртоқ Клавдия Потапкина. — Ўзбек қизи Турсунойнинг ташаббуси менга илҳом берди. Мен Чустдаги механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқимоқдаман. Бу йил мавсумда 200 тонна пахта териб бераман.

Турсуной ташаббусига қўшилиб, техникани ўрганаётган илғор хотин-қизлар тобора кўпаймоқда.

Р. РАҲМОНОВ.

АКТИВ АГИТАТОРЛАР

Ленинград районидаги (Фарғона области) Ҳамза номли совхознинг Фрунзе бўлими ишчилари орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш мақсадида бўлим партия ташкилоти агитаторлар составини қайта кўриб чиқди. Далачилик бригадаларига тажрибали, иш биларман агитаторлар биркитилди. Агитаторлар состави хотин-қизлар ҳисобига кўпайтирилди.

Бўлим агитаторларининг яқинда бўлган йиғилишида ишчи ва хизматчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйиш тадбирлари белгиланди. Бўлим партия ташкилотининг секретари Мираҳмедов, агитпункт мудири Отажонов ўртоқлар агитаторларнинг ҳозирги шароитдаги муҳим вазифалари тўғрисида инструктаж ўтказдилар.

Агитатор ҳозир ўз фаолиятини активлаштириб, коллектив эътиборини бўлим олдида турган хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга жалб қилмоқда.

И. ТУХТАСИНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШЛАРИДА

ДУРУСТ ЭДИ, „АЪЛО“ БЎЛАДИ

Бухоро Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари коллективлари ўтган хўжалик йилида анча яхши ишлади. Асосий диққат ва эътибор табиий газ, нефть, кўмир ва бошқа саноат маҳсулотларини кўп ва арзон ишлаб чиқаришга қаратилди. Давлат плани тўла-тўкис бажарилди. Қўшимча 95 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. 14 та саноат корхонаси ишга туширилди. Меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилганидан 4,3 процент ошди.

Бунинг учун барча корхоналарда зўр ташкилотчилик иши олиб борилди, омманинг ижодий ташаббусига кенг йўл очилди.

Корхоналардаги оғир меҳнат талаб ишлар автоматлаштирилиши туфайлигина бир йилда давлатнинг 10 миллион сўмдан кўпроқ маблағи тежаб қолинди. Минглаб ишчиларни бошқа ишларга кўчириш имконияти яратилди.

Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналари, бегдорчилик совхозлари, нефть ва газ конлари бир меёрда ишлай бошлади. Хомашё етказиб бериш, уни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилиши туфайли ўтган йилларда рўй берган жиддий нуқсонлар тугатилди. Илғор корхоналар — Бухородаги «ВЛКСМ XX йиллиги», «Партия XVI съезди» тикувчилик фабрикалари, ремонт заводи, Когон, Қарши ёғ заводлари. Бухоро, Шахрисабз, Денов, Узун пахта заводлари ва бошқа кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари ўтган 12 ой ичида 15—16 ойлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу — етти йиллик планни муддатидан анча илгари бажариш мумкинлигидан далолат беради.

Лекин хўжаликни бошқаришда озмунча нуқсонларга йўл қўйилмади. Халқ хўжалиги кенгаши партия-хўжалик активининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида бу нуқсонлар очиб ташланди.

Юзлаб ишчиларни оғир қўл меҳнатидан халос қилиши мумкин бўлган механизмлар ва техника воситалари баъзи корхоналарда бекор туриб қолган. Шунинг оқибатида Термиз нефть конларида ҳар метр нефть қудугини қазиш кўзда тутилганидан анча қимматга тушди. Шарғунда кўп маблағ сарфланиб қурилган осма йўл оз вақт ўтмай ишдан чиқди. Натижада кўмир қазиш плани кўнгилдагидек бажарилмади. Денов гишт заводи пландагидан 800 минг дона кам гишт берди.

Капитал қурилиш соҳасида айниқса катта камчиликларга йўл қўйилди. Капитал қурилишга ажратилган маблағдан 4 миллион сўми фойдаланилмай қолди. Баҳоланки, Қарши шаҳрида қурилаётган тикув фабрикаси маблағ етишмаслиги натижасида беш йилдан буён битмай ётибди.

Ҳозирги энг муҳим вазифа — ўтган йилги камчиликларни тақрорламасликдир. 1960 йилнинг икки ойлик планидан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги етти йилликнинг иккинчи йили яхши бошланганидан дарак беради.

Бу йил Халқ хўжалиги кенгаши коллективи олдида жуда катта вазифалар турибди. Меҳнат унумдорлиги камида икки процент оширилиши, пландан ташқари 10,7 миллион сўм фойда олиниши, маҳсулот таннархи анча камайтирилиши керак.

Корхона коллективларининг ҳиммати катта. Улар пландан ташқари 5 миллион кубометр табиий газ, 2 миллион тонна кўмир, 2.800 тонна ёғ, 1.520 тонна гўшт, 3.300 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга сўз беришган. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳамма имконият бор.

Бунинг учун Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарга яқиндан, конкрет раҳбарлик қилиши керак. Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси ўртоқ Минакурина бундай дейди:

— Бригадамиз аъзолари ҳозирги кунларда Ленин вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Пилла пиширишни тўла механизациялаштирдик. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси кунлик нормани 180—200 процентга етказиб бажармоқда. Аммо Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари бизнинг корхонамизга бориб, ишчилар билан суҳбат қилганини, қимматли маслаҳатлар берганлигини эслолмайман. Баҳоланки, улар билан ҳамкорликда ҳал қилишимиз зарур бўлган анчагина масалалар бор. Масалан, Шофирикон, Сердлов, Рометон районларидан бизнинг корхонамизга юборилган пилланинг сорти жуда паст. Аммо ана шу камчиликни тугатиш чораси кўрилмаётир.

Ўтган йили Бухоро маъмурий-иқтисодий райони меҳнаткашлари анча дуруст ишладилар. Бу йил улар «аъло» ишламоғи керак.

М. НАЗАРОВ,

Л. ЭРГАШЕВ,

«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

Узбекистон ССРда 1960 йил 1 мартга қадар 16 миллион 516 минг туп мевали ва мевасиз дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Республика министрликлари, халқ хўжалиги кенгашлари ва бошқармалари баҳорги кўчат ўтқазиш топшириғини 1960 йил 1 мартга қадар қуйидагича бажардилар (процент ҳисобида):

Тошкент темир йўл бошқармаси (бошлиғи ўртоқ А. М. Қодиров) 50,3

Маориф министрлиги (министр ўртоқ Э. Қ. Қодиров) 40,0

Бухоро Халқ хўжалиги кенгаши (раиси ўртоқ С. Н. Нусратов). 32,0

Сув Хўжалиги министрлиги (министр ўртоқ Б. А. Билбас) 25,9

Узбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ М. Исамуҳамедов). 18,9

Қишлоқ хўжалик министрлиги (министр ўртоқ Ж. Хоназаров). 14,6

Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги (министр ўртоқ И. В. Стрельцов). 12,0

Самарқанд Халқ хўжалиги кенгаши (раиси ўртоқ М. Ш. Мирқосимов). 11,1

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши (раиси ўртоқ Н. В. Мартинов). 10,8

Соғлиқни Сақлаш министрлиги (министр ўртоқ Р. С. Соатов). 10,1

«Главголодностепстрой» (бошлиғи ўртоқ А. А. Саркисов). 6,2

Обҳавонинг жуда қулай бўлишига қарамай, Фарғона ва Қорақалпоғистон Халқ хўжалиги кенгашлари кўчат ўтқазишни бошлаб юбормаганлар.

Узбекистон ССР Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Главголодностепстрой» ҳамда Тошкент ва Самарқанд халқ хўжалиги кенгашлари кўчат ўтқазишни жуда сусткашлик билан олиб бормоқдалар.

Экранларда

АЛАМЛИ СЕВГИ

Баҳор кунларининг бири. Вацлав билан Хедвика пичан ортилган аравада даладан қайтмоқда. Кутилмаганда бахтсизлик рўй берди. Кучли шамол туриб, момақалдироқ гулдиради. Чақмоқ чақиб, ёмғир шаррос қуя бошлайди. Аравага қўшилган отлар қаттиқ ҳуркиб олиб қочади. Вацлав зўр бериб отларни тўхтатмоқчи эди, арава урилиб пачоқланади. Вацлав гилдираклар остида қолиб майиб бўлади. Энди у учун изтиробли кунлар бошланади, узоқ вақт қимирламай ётишга мажбур...

Вацлавнинг укаси Ёқуб шаҳардан қайтади ва оилада хўжаликни бошқариб туради. Ёқуб билан Хедвика ўртасида ғайритабиий муҳаббат пайдо бўла бошлайди. Бундан хабардор Вацлав рашк азобида қийналади.

Севги инсонга бахт, илҳом, ғайрат, жасорат бахш этади. Лекин Вацлав умидсиз эмас. Унинг қалбидаги эзгу муҳаббат нафрат ва ғазабга айланади...

Вацлав ролини ўйнаган Иозеф Бек ўзи бажарган ролнинг чин моҳиятини тушунган, қаҳрамонинг ҳис-туйғуларини, психологик кайфиятларини очиб берган. У, ўзи майиб бўлса ҳам, олижаноб крак эгаси Вацлав образини мужассам яратишга муваффақ бўлган. Аксинча, Хедвика, Ёқублар гарчи жисмоний соғлом бўлсаларда, улар маънавий заиф кишилар. Уларни қишлоқ деҳқонлари қоралайдилар.

Фильмни Чехословакиядаги «Баррандов» киностудияси ишлаган. М. Горький номидаги киностудия рус тилига таржима қилиб чиқарган.

ХУРЛАНГАН ҚАЛБ ИСЁНИ

Мана, чиркин мешчан Визилар хонадони. Оила хўжайини Визи хоним хизматкор Аннани юмушлар билан таништиришда: кир ювиш, дазмол қилиш, уй тозалаш, овқат пишириш, оёқ кийимларини тозалаш, дори келтириш... Шу тарика Аннанинг бу оиладаги ғамгин, зерикарли ҳаёти бошланади. Визи хонимнинг деярли ҳар секундда такрорланиб турувчи «Анна!», «Тез бўл!» деган бақиришлари...

Жаноб Визиларнинг маишатбозлиги аримади, Анна меҳнат қилиб тинмайди. Бу ҳам етмагандай, Визи хонимнинг жияни Янчи қизнинг номусига тегади.

Фильмда Анна ролини ёш актриса Мари Тёрёрчик муваффақиятли ўйнаган.

Ярим кеча... Меҳмонлар тарқалган. Анна пичоқни олиб, ухлаб ётган Визилар ётоғига қараб юради.

Зулм ва хўрликдан сабр косаси тўлган, бу жаҳолатдан қутилиш учун ўз хўжайинларини ўлдирган Аннани қамоққа оладилар. Бу хўрланган қалбнинг чинакам исёни эди.

Аннанинг ана шундай аччиқ қисматини тасвирлашга бағишланган «Анна Эйдеш» фильмини пойтахтимиз томошабинлари қизғин кутиб олдилар. Фильмни Венгриядаги «Гунния» киностудияси ишлаган. Фильм сценарийсини атоқли венгер ёзувчиси Костолани романи асосида Петер Бачо ёзган. Асарни режиссёр Золтан Фабри экранлаштирган.

Эътибор ОХУНОВА.

ОЛТИ ЭГИЗАК

Бағдод районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг туғруқхонасида бир ярим ойда 28 аёлнинг кўзи ёриди. Шулардан 6 аёл эгиз туғди.

— Баҳринисо Болтабоева Фотима-Зуҳра, Шаҳринисо Шохобова Ҳасан-Ҳусан туғди.

Чақалоқларнинг ҳар бири 3,5—3,8 килограмм.

А. НАБИХУЖАЕВ.

ИНТЕРНАТ МАКТАБЛАР ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

Интернат мактаблар таълим-тарбиянинг янги формаларидандир. Бундай ўқув юртларини ташкил этиш КПСС XX съезди қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилди ва шундан кейин бутун мамлакат бўйлаб шундай типдаги ўқув юртлари очиш умумхалқ ҳаракатига айланди.

Интернат мактаблар таълимни турмуш билан боғлаб олиб боришда қулай воситалардан биридир. У ёшларни чинакам коллективизм, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди.

Ҳозир республикамиздаги 51 та интернат мактабда 10 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Интернат мактабларга бўлган қизиқиш борган сари кучаймоқда. Шу ўқув йилининг охиригача интернат мактабларга 25 минг бола жалб этилиши керак. 1965 йилга бориб республика интернат мактаблари 110 минг ўқувчи таълим олади.

Республикамизда колхоз маблағлари ҳисобига, қишлоқ меҳнаткашларининг актив ёрдамида интернат мактаблар қуриб олган колхозлар оз эмас. Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози бу яхши ишнинг ташаббускори бўлган эди. Шундан сўнг Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз ҳам колхоз маблағидан интериат мактаб қурди. Андижон область, Избоскан районидаги Сталин номли колхозда ҳам ана шундай интернат мактаб муваффақият билан ишлаб турибди. Республиканинг жуда кўп районларида, жумладан Самарқанд, Фарғона областларидаги районларда кўплаб жамоат бинолари интернат мактаблар ихтиёрига топширилмоқда.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари интернат мактабларда таълим-тарбия ишларини юксак даражага кўтариш, улар учун зарур моддий ва техника базаси яратишга ёрдам беришлари керак.

Яна бир интернат мактаб

Кеча Фарғона область халқ маорифи бўлимидан телефон орқали хушхабар олинди:

— Областимиз қолхозлари ўз маблағи ҳисобига интернат мактаблар қуриш ташаббусига қўшилиб, дастлабки ютуқни қўлга киритдилар. Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхозида 400 болага мўлжалланган интернат мактаб биноси қуриб битказилди. яқин кунларда у ишга туширилади.

Интернат мактаб биносини қуришда қишлоқ меҳнаткашлари яқиндан кўмаклашдилар. Колхоз правлениеси (раиси Ўртоқ Худойбердиев) бу ишга бош-қош бўлди.

Куч ва ғайратимизни аямаймиз

Таълим ва тарбия ишларининг янги тип муассасаси —интернат-мактаблар дастлабки уч-тўрт йиллик иш тажрибаларидаёқ бениҳоя афзалликларини кўрсатдилар. Интернат-мактаблар ўқувчилар билимини оширишда ҳам, ёш авлодга ижтимоий-фойдали меҳнат кўникмаларини сингдиришда ҳам яхши натижаларга эришаётирлар.

Бизнинг интернат-мактабимиз ташкил этилганига уч йил бўлди. Бу давр ичида аҳил педагогик коллективимиз ўқувчилар билимини ошириш, болаларга эстетик тарбия кўникмаларини сингдириш, ижтимоий-фойдали меҳнат малакалари бериш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Интернат-мактабда таълим ишларининг асосий шакли—дарсга катта эътибор берилаётир. Ўтган ўқув йили интернат-мактаб коллективи ўқувчилар билан жиддий ишлар олиб борганлиги туфайли ўқув йилини намунали якунлади. Интернат-мактабнинг тўртта синфи юз процент ўзлаштириш берди. 1959—60 ўқув йилининг биринчи ярми ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунланди. Ўқитувчи ва тарбиячилардан С. Янгаличева, Л. Я. Кошевацкая, Р. Шамсиева, Р. Кенжаева, З. И. Прибилова ва бошқа бир қатор ўртоқларнинг ташаббускорлиги билан интернат-мактабда таълим ва тарбия ишларининг барча соҳаси кун сайин яхшиланиб бораётир.

Интернат-мактаб ўқувчиларини ўз-ўзига хизмат қилишга кўчирганмиз. Бу соҳада синфлар ўртасида социалистик мусобақа уюштирилган. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан синфга ҳафтанинг охирги куни ўқувчиларнинг тантанали линейкасида вимпел топширилади.

Интернат-мактабда моҳир қўллар, дурадгорчилик, тикувчилик, каштачилик, табиатшунослик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Мактабда мазкур тўгаракларнинг аъзолари ишлаган буюмлардан доимий виставка ташкил қилинган. Бу виставкада ҳозирги кунда 800 дан ортиқ экспонат йиғилган. Педагогик коллективимиз бу йилдан бошлаб мазкур виставкани интернат-мактабнинг музейига айлантириш тараддудини кўраётир.

Интернат-мактабимизнинг истиқболи янада порлоқ! Ҳозирги кунда янгидан иккита ўқув корпуси қурилаётир. Буларда интернат-мактаб учун зарур бўлган устахоналар, ўқув кабинетлари бўлади. Коллективимиз Партия ва Ҳукуматимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган бениҳоя катта ғамхўрликларидан миннатдор бўлиб, бутун куч ва ғайратини таълим-тарбия ишларини юксак босқичга кўтаришга сарфлайди.

С. ШАРИПОВА,

Бухоро шаҳридаги 1-интернат-мактабнинг директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ШЎР ЮВ, ЯХОБ БЕР, ГЎНГ ТАШИ!

(29 февралга бўлган маълумот процент ҳисобида)

Областлар	Шўр ювиш	Яхоб бериш	Ўғит чиқариш
Тошкент	61,4*	56,0	43,5
Фарғона	75,3	74,3	64,5
Андижон	48,4	50,8	55,2
Самарқанд	11,7	31,9	54,0
Бухоро	78,2	—	72,2
Сурхондарё	83,3	53,6	66,1
Хоразм	22,0	—	53,7
Қорақалпоғистон АССР	1,5	—	99,0

*) Маълумот аниқланган.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30. Болалар учун **«Уйлаб топ»** деган эшиттириш. 19.50. Врач маслаҳати (ўзбек тилида). 20.05. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (ўзбек тилида). 20.15. Сўнгги ахборот. 20.35. **Улуғ поляк композитори Фридрик Шопен туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган эшиттириш.** 21.10 Бадиий фильм **«Қутқарилган авлод».**

АҲИЛ ОИЛАДА

Кенг ҳовлининг чап томонидаги катта хонада машиналарнинг овози ажиб оҳанг билан гувуллаяпти. Жажжи қўлли, ўткир кўзли қизалоқлар ўқитувчининг ҳар бир сўзини дарров илиб олиб, унинг айтганини бажо қилмоқдалар.

Бу — интернат-мактабнинг ишлаб чиқариш цехи. Тикувчилик бўйича меҳнат дарсини олиб бораётган ўқитувчи В. Фенин ҳар бир тарбияланувчининг ишини диққат билан кўздан кечириб, уларга меҳр билан ҳунар ўргатмоқда.

— Чокини кенгроқ олибсан, қизим, — дейди у чап томондаги тикув машинасида ишлаётган Жонибибига.

— Мана бунинг дуруст, — дейди ўқитувчи иккинчи «ишчи»нинг меҳнатини кузатар экан.

Электр машиналарининг «тили»ни билиб олган бу ёш чеварлар меҳнатининг самараларини кўрасан-у, бутун куч ва ғайратини ёш бўғин тарбиясига аямай сарфлаётган ўқитувчилар, педагогик коллективга ич-ичингдан таҳсин ўқийсан.

Ўнг томонда мижгондай ўлтириб маҳсулот ишлаб чиқараётган Қаламбой Содиқов, Минаввар Ибодуллаева, Света Кузнецова, Валя Говорковаларнинг оналари ўз фарзандларини интернат тарбиясига берганларида уларнинг шунчалик уста тикувчи ва бичувчи бўлишини ўйлаганмидилар? Ҳозир улар интернатдаги ҳамма дўстларига ички кийимлар, дастурхон ва чойпабзлар тикаётирлар. Олдинлари интернат-мактаб маъмурияти кийим-кечакларни тикиш учун қанчадан-қанча маблағ сарфлаган бўлса, энди ўша харажатларни тежаб қолаётир.

Бугина эмас, интернат-мактабда хизматчилар кўринмайди. Уларнинг вазифасини тарбияланувчиларнинг ўзлари бажаряптилар. Кайси хонага кирманг, тартиб билан қўйилган койкалар, оппоқ чойшабларни кўрасиз. Бирор тарбияланувчи ўз койкасини тузатишга эътиборсизлик билан қарадими, навбатчи-тарбияланувчи ўша заҳотиёқ уни тартибга чақиради. Бу ерда «тозалик соғлиқнинг гарови» деган шиор ҳар бир болага яхши сингиган.

— Икки йил давомида, — деб ёзибди ўз фарзандини кўргани келган бир она интернат-мактабнинг таклифлар дафтарига, — ўғлимда жуда катта ўзгариш сезяпман. Ундаги инжиқлик йўқолибди, ўзи анча улғайиб қолганга ўхшайди. Болани коллективда тарбиялаш оқилона иш эканини кўриб турибман.

Ҳа, бу ерда болалар ватанпарварлик ва коллективизм руҳида тарбияланаяптилар. Интернат-мактаб педагогика коллективи ҳар бир тарбияланувчининг бирор тўғаракка албатта қатнашиши, бирор жамоат иши билан банд бўлишига алоҳида эътибор беради. Бирор ўқувчининг ножўя харакатини бутун синф учун катта дог деб билишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи-тарбияланувчи ўз синфининг обрўси учун курашади.

— Интернат-мактабимизда 12 га яқин тўгарак ишлаб турибди, — дейди илмий бўлим мудири Я. Сафоева, — 3 та таълим устахонаси бор. Педагогика коллективимиз ана шу устахона ва тўгараклар воситасида тарбияланувчиларда меҳнат кўникмасини ривожлантирмоқдалар.

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Болаларимизга чексиз ғамхўрлик, зўр меҳрибонлик кўрсатилаётганлиги барча меҳнаткашларни қувонтиради. Коммунизм қурувчилари бўлган авлодимизга қилинаётган отаоналарча ғамхўрликни жаҳоннинг бирор мамлакатида учрата олмайсиз. Кейинги йилларда Партия ва Ҳукуматнинг интернат мактаблар очиш, мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширган қатор ишлари халқ маорифи ходимлари олдига улкан вазифаларни қўйди.

Аввало шуни айтиш лозимки, интернат мактабдаги ўқувчи ҳар томонлама етук, меҳнатни севувчи ва қадрловчи, ўртоқларига ғамхўр ва меҳрибон бўлиб тарбияланади. Шунинг учун интернат мактабдаги ўқув-ўқитув ва меҳнат дарсларини юксак даражага кўтариш лозим. Областимизда шу ишларни тўла амалга ошириш учун ҳамма имконият бор. Аммо, айрим интернат мактабларидаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини айтиб ўтмасдан илож йўқ. Областимизнинг Китоб, Ғузор ва Шаҳрисабз районларида интернат мактабларда таълим-тарбия ишлари жуда бўш олиб бориляпти. Шундай бўлгач, ўқувчиларнинг ўзлаштириши, пухта билим олиши ҳақида гап бўлиши мумкинми? Ўтган ўқув йилида бу интернат мактабларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши 95 процентдан ошмади.

Интернат мактабларда санитария-гигиена аҳволи анча чалкаш. Синф хоналари, ошхоналар, ишлабчиқариш устахоналари озода сақланмайди. Бунинг устига, ўқувчиларга пиширилаётган овқатларнинг сифати паст, хиллари кам. Мактаб интернатларни назорат қилиб туриши лозим бўлган медицина ходимларининг ёмон ишлаётганликларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Интернат мактабларда бундай нуқсонлар содир бўлаётганига биз ҳам айбдормиз. Шу билан бирга, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари интернат мактабларининг ишига етарли эътибор бераётгани йўқ, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмаётир.

Бу йил область колхозларида 5 та мактаб интернат қурилиши планлаштирилди. Бунинг учун бинокорлик материаллари, ишчи кучи керак. Шу билан бирга, колхозлардаги ортиқча бинолarни бўшатиш ва уларни интернат мактабларга бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан Шўрчи районидаги Охунбобоев номли, Жданов номли, Денов районидаги генерал Раҳимов номли, «Москва», Сариосиё районидаги Сталин номли колхозлардан ибрат олиш лозим. Бу колхоз правлениелари интернат мактабларни зарур бинолар билан таъминлаш учун ўз имкониятларини ҳисобга олиб, айрим бинолarни бўшатиб бермоқдалар.

Янги ўқув йилида 1940 болани интернат мактабларга тортишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ишимизга маҳаллий партия ва совет ташкилотлари актив ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

П. ОГАЙ,

Сурхондарё область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ!

Бу — сир эмас. Ўғлим Тошкент шаҳридаги 1-интернат мактабга кирмасдан олдин жуда ўйин қароқ эди. Баъзан қўшнилар ҳам ундан шикоят қилиб келишарди. Тарбия қилишга ҳаракат қилардим-у, уддалайолмас эдим. Қарангки, Нурмуҳаммад интернатга жойлашди-ю, икки йил давомида ҳеч таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди.

У дам олиш кунлари уйда бўлади. Оғиримни енгил қилади: уй-рўзғор ишларига қарашади. Гоҳ-гоҳда ўғлимга тикилиб туриб, жуда ҳурсанд бўлиб кетаман. Ахир у интернатда ташкил этилган темирчилик цехида ишлаб мактабда биринчи бўлиб мастер унвонини олибди. Фото аппарат билан расмга олишни ҳам ўрганиб олибди. Ўқишини айтмайсизми, дарслардан нуқул «4» ва «5» баҳолар олаяпти. Интернат пионерлари уни ҳурмат қилиб, дружина советининг раиси қилиб сайлашган.

Ҳа, бизнинг ҳур совет мамлакатимизда болаларимиз ана шундай ғамхўрлик билан чулғаб олинган. Мен боламнинг кийим-бошн, ҳатто овқати ҳақида ҳам ташвиш тортмайман. Интернат мактаб унинг соғлиғи ҳақида қайғираётир.

Ёшларимизнинг келажаги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматимиздан, уни тарбиялаётган педагогика коллективидан жуда-жуда хурсандман. Нурмуҳаммад ва интернат мактабда у қатори таълим олаётган ёш авлодимизнинг келажаги порлоқ эканлигига аминман.

Офтоб ТЎЛАГАНОВА,

Қаҳрамон она.

Тошкентдаги 2-интернат-мактабда. СУРАТДА: меҳнат таълими бўйича инструктор А. Н. Павлов 5-синф ўқувчиси Абдулла Назировга пармалаш станогида ишлаш қоидаларини ўргатмоқда.

М. ТУРСУНХЎЖАЕВ ва К. РАШИДОВ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Билим ва ҳунар

АНДИЖОН. Интернат-мактабларда ўқув-тарбия ишларининг дастлабки натижалари ота-оналарни беҳад қувонтираяпти. Улар интернат-мактабларга ўз фарзандларининг қабул қилинишини сўраб кўплаб ариза бермоқдалар. Сталин районидаги Сталин қишлоқ Советида янги интернат-мактабнинг очилишидан қишлоқ меҳнаткашлари жуда хурсанд бўлдилар. Бу интернат-мактабда 212 бола тарбияланади.

Интернат-мактабда таълим-тарбия ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги, тарбияланувчилар ҳар томонлама меҳрибонлик билан чулғаб олинганлигидан ҳамма шод.

Колхоз жамоатчилигининг бевосита ёрдами билан интернат тарбияланувчилари учун 300 ўринлик янги ётоқхона биноси қурилаяпти. Келгуси йилда эса янги ўқиш корпусини қуриш планлаштирилган.

Ўн миллат фарзанди

Тошкентнинг Ворошилов кўчасидаги 2-шаҳар интернат мактабида ўн миллат фарзанди тарбияланади. Бу мактабнинг 1-5 синфларида 600 ўқувчи таълим олмоқда. 18 хонали интернатда машғулотлар бир сменада олиб борилаётир.

58 кишидан иборат педагогик коллектив ўқувчиларнинг ўзларига ўзлари хизмат қилиш тартиби яхши йўлга қўйилди. 1 ва 2-синф ўқувчиларидан ташқари барча ўқувчилар ўз синфхоналарини, ётоқхоналарни, залларни ва таълим устахоналарини супириб, ўзлари тозалайдилар, овқатланиш залида ҳам ўзлари хизмат қилиб, бошқа турли хўжалик ишларида қатнашадилар.

Спорт зали, кутубхона, ўқиш зали, таълим устахоналарида ҳам яхши тартиб ўрнатилган. Бундан ташқари, мактабда тўгараклар машғулотлари ҳам ўз вақтида ўтказиб турилади.

— Ўғил ва қизларимизга ана шундай шароит яратиб берган жонажон Партияга ва Ҳукуматимизга минг раҳмат, — дейди фарзандларини кўргани келган ота-оналар.

Е. ЖЎРАЕВ.

Қурилиш суръати тез

Олмалиқ шаҳар Комсомол кўлига яқин жойда интернат мактаб биноси қад кўтараётир. Ўқиш корпусига 920 бола жойлаштирилади. 600 ўринлик иккита умумий ётоқхона биноси ва ошхона, хўжалик корпуси ҳамда ўқитувчилар учун алоҳида ётоқхона қурилмоқда.

Олмалиқдан хабар қилинишига қараганда, қурилиш тез суръат билан бораётир, ётоқхона ва ўқиш корпусининг бир қисми шу йил битказилади.

ЯНГИ КОРХОНА

Бу йил Қорақалпоғистон АССР матлубот жамияти союзи системаси биринчи марта колбаса ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этади. Иккинчи кварталдан бошлаб шундай корхоналар Беруний, Тўрткўл, Қўнғирот, Чимбой районларида ишга туширилади.

ХозирХўжайли гўшт комбинатида очилган махсус курсга кадрлар танланаяпти.

И. Мадгазин.

7 НЕВАРА, 15 ЧЕВАРА

Олтиариқ район, Қўрғонтепа қишлоқ Советидаги Ленин номли колхозда яшовчи Маматқул ота Бобораҳимов юз ёшга кирди. Унинг етти набираси ва ўн беш чевараси бор. Отанинг кичик қизи Жарқинбувига 61 ёш тўлди. Маматқул ота ҳали тетик, бардам.

М. Ҳамроалиев.

ЯНГИ ПОМИДОР

Оржоникидзе районидаги Ленин номли сабзавот колхози кеча териб олинган янги помидордан 63 килограммини сотиш учун сабзавот дўконларига юборди. Йил бошидан ҳозиргача колхоз теплицаларида етиштирилган 1600 килограмм помидор ва бир қанча бодринг колхоз дўконларида сотилди.

САНЪАТКОРНИНГ ТЎЙИ

Яқинда Наманган шаҳар жамоатчилиги Навоий номидаги музикали драма театрининг кекса санъаткори, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Абдураҳмон Тошбоевнинг туғилганига 60 йил ва ижодий фаолиятига 40 йил тўлишини нишонлади.

Артист А. Тошбоев ўзбек миллий театр санъатининг юксалишига катта ҳиссса қўшди. У ўз истеъдоди билан ярим асрга яқин совет томошабинларининг олқишига сазовор бўлиб келди.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ НЕРУГА ХАТИ

ПЕКИН, 28 февраль. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай 26 февралда Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неруга хат юборди. Бу хатда Ҳиндистонга келиш ва иккала мамлакат ўртасидаги чегара можароларини тинч йўл билан ҳал этиш ҳақида музокаралар олиб бориш ҳақидаги таклиф учун Неруга ташаккур изҳор қилинади.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлиги томонидан бугун матбуотда эълон қилиш учун топширилган хатда бундай дейилади:

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Хитой ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни абадий деб, иккала мамлакат ўртасидаги чегара низолари дўстона ва тинч йўл билан ҳал этилиши лозим ва тамомила мумкин деб ҳамда ҳар иккала мамлакат фикрлардаги вақтинча ихтилофлар ва баъзи бахтсиз ҳамда тасодифий ҳодисалар натижасида рўй берган чегара низоларини тинч йўл билан бартараф қилиш йўлидаги умумий интилишларида сира иккиланмасликлари лозим, деб ҳисоблайди. Шу сабабли Хитой ҳукумати бу учрашувга ижобий қарайди.

Мен, деб таъкидлайди Чжоу Энь-лай, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар устида пайдо бўлган булутлар биргаликдаги ҳаракатларимиз билан тарқатиб юборилишини, токи мамлакатларимиз ўртасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб келган дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиши ва ривожланишини айниқса истайман.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган сабабларга кўра, деб ёзади Чжоу Энь-лай, мен Сизнинг мамлакатингизга шу йил апрель ойида бора оламан. Бунинг конкрет вақти дипломатик йўл билан келишиб олинади.

БОШ МИНИСТР НЕРУ КАЛЬКУТТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ДЕҲЛИ, 1 март. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Ж. Неру бугун эрталаб Калькуттага самолётда учиб кетди. Бу ерда у Индонезиядан қайтиб келаётган СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашади.

Қишки олимпия ўйинлари ёпилди

СКВО ВЭЛЛИ, 29 февраль (ТАСС). 28 февраль соат 16 дан 40 минут ўтганда (Москва вақти билан 29 февраль соат 3 дан 40 минут ўтганда) 11 кун давомида «Милатлар минораси» олдида ёниб турган олимпия машъали сўндирилди. Халқаро олимпия комитетининг президенти Э. Брэндедж VIII қишки олимпия ўйинларини ёпди.

Жиддий огоҳлантириш

ПЕКИН, 29 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 28 февраль соат 13 дан 15 минут ўтганда Қўшма Штатлар ҳарбий денгиз флотининг соччи самолёти Юнсиндао ва Дундао ороллари районида Хитой Халқ Республикаси ҳаво чегараларини бузиб ўтиб, бу ерда разведка ишларини олиб борган. Юнсиндао ва Дундао ороллари Гуандун вилоятидаги Сишацюньдао ороллари группасига киради. Қўшма Штатлар ҳарбий самолётининг ана шу ҳарбий игвогарлиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили жиддий огоҳлантиришга вакил қилинган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

▲ **Пекинда Хитой билан Венгрия ўртасида 1960 йилда товар айирбошлаш ва тўлавлар тўғрисида битим имзоланди.**

▲ **Германия Демократик Республикаси парламентаро группасининг таклифига биноан, Франция сенаторлари делегацияси Берлинга келди. Сенаторлар Германия Демократик Республикасида 9 мартгача бўлиб, Германия Демократик Республикасининг маданий ва иқтисодий марказларини, шунингдек Лейпцигдаги баҳор ярмаркасини бориб кўрадилар.**

▲ **Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий вакили 2 та исроил самолётининг Ғаза районида (Бирлашган Араб Республикаси билан Исроил ўртасидаги чегарада) ҳаво чегараларини бузиб ўтганлигини 28 февралда хабар қилди. Бу, деди Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий вакили, — уч кун ичида ҳаво чегараларининг учинчи марта бузилишидир. Бирлашган Араб Республикаси, деди яна у, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яраш бўйича тузилган аралаш комиссиясига норозилик билдирди.**

▲ **Утрехт шаҳрида (Голландия) халқаро саноат ярмаркаси очилди. Бу ярмаркада 25 мамлакат катнашмоқда. Утрехт ярмаркаси билан таниш мақсадларида Иваново Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Е. Т. Алексеев бошчилигида совет делегацияси бу ерга келди.**

▲ **Гана миллат мажлиси ўзини таъсис мажлиси қилиб ўзгартирганлиги тўғрисида қонун лойиҳаси қабул қилди. Таъсис мажлиси Гана республикасининг конституциясини ишлаб чиқади. Бу конституциянинг 1960 йилда эълон қилиниши кутилмоқда. Қонун лойиҳаси конституция ва республиканинг президенти лавозимига кандидат кўрсатиш масаласи юзасидан плебисцит ўтказишни ҳам кўзда тутади.**

▲ **Багдодда Ироқ ўқитувчилари союзининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари мамлакатда бошланғич, ўрта ва олий таълим проблемаларини, саводсизликни тугатиш тадбирларини муҳокама қилдилар.**

▲ **Варшавада, Польша революцион ҳаракати тарихи музейининг залларида «Польша революцион ҳаракати тасвирий санъатда» деган виставкани тантанали суратда очиш маросими бўлди. Виставкани Польша Халқ Республикаси Маданият ва санъат министри Тадеуш Галанский очди. (ТАСС).**

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Дилором**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **Саттор Ярашев** қатнашади, 3/III да **Зайнаб ва Омон**, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** ва СССР халқ артисти **Саодат Қобилова** қатнашади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Холисхон**, 3/III да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Равшан ва Зулхумор**, 3/III да **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта **Нина ва Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва **янги программада томошалар**. Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Ҳўрланганлар (кенг экранли фильм, 1-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Герольштейндаги саргузашт — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (1-зала), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги қайтиш — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Цхнетилик Майя — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 3-20 ва кеч 6-50 минутда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Сени излайман — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда), «СПУТНИК» (2-зала кундуз ва кечқурун).

Бомбай қизи — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 ва 3 мартда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

концерти

Концертда: СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова, Қундуз Мирқаримова, Эргаш Шукрудлаев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов, Анбар Муминов**, филармония солистлари **Тўхта Йўлдошева, Ғафур Иноғомов, Қулаҳмад Қулабдуллаев, Симхо Аминовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли **«ГЛАВСЕЛЬЭЛЕКТРО»** Я. Колас кўчаси, 24-уйдан **Луначарский шосседанги 156-уйга К У Ч Д И**

Телефон — 32-648.

Арпапоя кўча, Қирқтул тупик, 15-б уйда турувчи **Рима Кузьминична Штитеванинг** шу уйда турувчи Венедикт Терентьевич Штитевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, „Правда Востока" кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 36334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши— 27604, Пропаганда — 31226. Саноат ва транспорт — 34524. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 02581 Нашр. А. № 52.